Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 5 fevral, chorshanba | № 11 (7516)

**Da'vat**

*Xalqning baxt-saodati bolalarni to'g'ri tarbiyalashga bog'liq.*

**Jon LOKK**

**Ibrat**

*Chiroqchi tumani Chuvulloq qishlog'ida yashovchi tadbirkor Hasan Yorlayev qishloq bolalari uchun 350 o'rinli maktab qurib berdi hamda jihozlar bilan ta'minladi. Ayni paytda tadbirkor maktabga kompyuter keltirish harakatida yuribdi.*

*МУЛОҚОТ:*

## «КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

**Хабарингиз бор, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ташаббуси билан жорий йилнинг 17 январида куни фарзандлар келажагига умид боғлаган юртимиз фуқароларининг Республика Халқ таълими вазири Р. Жўраев билан бевосита телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтган эди. Айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда кечаётган таълим тизимидаги изчил ислоҳотлар Ватан эртасининг равнақи, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни қизиқтириш тайин. Шу боис бўлса керак, ўтказилган бевосита мулоқотда нафақат таълим тизимида эришилаётган муваффақиятлар, балки унинг ривожига тўсиқ бўлаётган, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, қолаверса, айни пайтда эътибордан четда қолаётган муаммоларга ҳам кенг ўрин берилди. Эътиборлиси, мулоқот давомида ҳозирда ечимини кутаётган муаммолар узоқни кўзлаб, баҳамжиҳатликда олиб бориладиган ишлар натижасидагина ҳал бўлиши аён бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, мулоқотда кўтарилган масалалар бевосита таълим тизимига дахлдор бўлганлиги боис у газетамиз муштарийлари, яъни юртимиз зиёлиларини қизиқтириши шубҳасиз. Айни сабаб боис 31 январ куни "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган Халқ таълими вазири билан бўлиб ўтган бевосита мулоқот тафсилотларини "Маърифат"да ҳам батафсил эълон қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.**

*(Бевосита мулоқот тафсилотлари билан 3-бетда танишасиз)*



**Соғиниш ҳис-туйғуси — инсонлардаги маънавиятлиликни белгилайдиган алоҳида мезон. Шуни инобатга олиб, "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови иштирокчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси Санобар Хўжамуродова пойтахтимиз марказида жойлашган 110-мактаб ўқувчилари ҳузуридаги очиқ дарсини ноанъанавий тарзда бошлади (4-бетга қаранг).**

## ҚАРОР НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

*Муаммо*

Истиқлол туфайли таълим соҳасида ислоҳотлар бошлангандан кейин замон талабидан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Ҳ.Олимжон номидаги жамоа хўжалигида 1-гимназия мактаб-интернати ташкил қилинди. Дастлаб туманнинг турли қишлоқларидан келган 74 нафар иқтидорли ўқувчилар билан ўқишни бошлаган мазкур ўқув муассасасида бугунги кунда 300 нафардан зиёд ўқувчилар таълим олмоқдалар.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш ва иқтидорли ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантиришдек шарафли ва масъулиятли ишга бел боғлаган мактаб-интернат жамоаси бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Улар бу борада эришаётган ютуқлар ҳам ҳар ҳолда ёмон эмас.

Дастлаб бекор ётган боғча биносида ўз фаолиятини бошлаган мактаб-интернатида йилдан-йилга янги синфлар қўшилиши боис ўқувчилар сони кўпайди ва эски боғча биноси илм даргоҳи учун торлик қилиб қолди. Қўшимча синфхоналар қуриш учун эса маблағ йўқ. Нима қилиш керак? Гимназия маъмурияти бу муаммонинг ечимини топгандай бўлди. Хўжалик ҳудудида Ғ.Ғулом номидаги мактабнинг эски биноси бўлиб, унда "Санам" тикувчилик фабрикасининг филиали жойлаштирилган эди. Илм масканини шу ерга кўчиришмоқчи бўлишди. Унинг куюнчак директори Хушвақт Ўғлоновнинг елиб-югуришлари самарасиз кетмади. Мактаб-интернат жамоаси мазкур бинога кўчиб ўтишга ёрдам сўраб 2001 йил 2 майда туман ҳокимлигига мурожаат қилишди. Уларнинг ҳақли талаби инобатга олиниб, ниҳоят 2001 йил 17 августда туман ҳокимининг 1-гимназия мактаб-интернатини бошқа ўқув биносига кўчириб ўтказиш ҳақидаги Х-296/8-сонли қарори чиқди. Мазкур қарор мазмунига кўра, **Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги марказида жойлашган "Санам" ҳиссадорлик жамиятининг филиали томонидан фойдаланиб келиниб, ҳозирги кунда фойдаланилмасдан турган 34-ўрта мактабнинг 1-2 корпусларига 1-гимназия мактаб-интернати ўқувчилари кўчиб ўтишлари ва "Санам" ҳиссадорлик жамиятининг филиали ҳисобидаги тикув машиналари ва бошқа жиҳозлари 1-гимназия мактаб-интернатининг олдинги биносига кўчирилиши керак эди.**

Мазкур қарор чиққандан кейин севинчи ичига сиғмаган гимназия жамоаси янги ўқув йилига эски мактаб биноларини тайёрлаш учун ўз таътилларидан воз кечиб, ишга киришдилар. Албатта, бу биноларни таъмирлаш осон бўлмади. Анча йил қаровсиз қолган эски мактаб биносининг барча дераза ойналари синган, эшиклар яроқсиз бўлиб қолган, бунинг устига аввал синфхона бўлган хоналарнинг ўрта деворлари олиниб, тикув цехлари учун мослаштирилган эди. Ўқитувчилар ва ишчи-хизматчилар бел боғлаб ишга киришиб кетдилар. Керак бўлса, туну кун ишладилар. Чунки янги ўқув йили бошланишига вақт қисқа эди. Ўрта деворлар тикланди, сувоқ қилинди, оқланди. Ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам қараб туришмади. Ўқитувчилар ўз маошларидан ажратишди, ота-оналар ёрдам қилишди. Ойна, бўёқ ва бошқа керакли жиҳозлар сотиб олинди. Жамоанинг астойидил меҳнатлари эвазига қисқа муддатда хароб ҳолда ётган эски мактаб биноси яхшигина таъмирдан чиқди ва 2001 йил октябрь ойида мактаб-интернат ўқувчилари қувонч билан ўзлари учун "янги" бўлган мактаб-биносига кўчиб ўтдилар.

Аммо ўқувчиларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Энди узоқ қишлоқлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун ётоқхона муаммоси пайдо бўлди. Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ташвишлари ўн чандон ошди. Сабаб шуки, "Санам" ҳиссадорлик жамияти филиали маъмурияти ўзлари эгаллаб турган яъни туман ҳокимининг қарорига кўра ўқувчиларга ётоқхона учун берилиши керак бўлган иккинчи бинони бўшатмадилар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, филиал маъмурияти туман ҳокимининг қарорини бажармадилар. Натижада, ётоқдан фойдаланишга муҳтож 100 га яқин ўқувчининг муаммоси бугунги кунда интернат маъмуриятининг чигал муаммосига айланди. Баъзилар мактаб атрофидаги хонадонларга, айримлари ўқитувчиларникига, иложи бўлмаганлари эса уйидан қатнашга мажбур бўлган ўқувчилар бундай оворагарчиликлар ниҳоясини кута-кута бир ярим йилни ўтказдилар. Қарийб 2 йилдан буён гимназия ҳовлисига тахланиб, қор-ёмғирда ётган ўқувчилар кроватлари эса эскириб қолаётир. Хуллас, бу муаммо ўз ечимини топмаяпти.

***Боймирза НОРБЕКОВ,***
***Қашқадарё вилояти Чироқчи транспорт касб-ҳунар коллежи психологи***

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ТЕСТ СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БОРИЛАЯПТИМИ?** *2-бет*

**КИТОБГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?** *2-бет*

**НЕГА ДАРСГА ЮҚОРИ БАҲО ҚЎЙИЛДИ?** *4-бет*

**ЎЗИГА ЧОРЛОВЧИ ДИЁР** *4-бет*

**НАВОИЙ НАЗМИДА ТАБИАТ ВА ФАЛАКИЁТ** *5-бет*

**МАҲАЛЛАМ КИЧИК ВАТАНИМ** *5-бет*

**ЎҚУВЧИЛАР ЎТКАЗАЁТГАН ТАЖРИБАЛАР**
**У КЕЛАЖАКДА, АЛБАТТА, ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ** *6-бет*

*София РОТАРУ:*
**"АЛВИДО, МЕНИНГ МУҲАББАТИМ!"** *8-бет*

**ДАРАХТДАГИ ОЛТИН КУН** *8-бет*

## МЕҲРТАЛАБ БОЛАЛАР ЖАҲОН БАНКИ ЭЪТИБОРИДА

*Taqdimot*

***Ўтган ҳафтада Жаҳон Банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида "Меҳрталаб болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш" лойиҳасининг тақдимоти ва муҳокамаси бўлиб ўтди.***

Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳанинг асосий мақсади айни пайтда болаларнинг ана шундай тоифаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида юртимизда мавжуд бўлган барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва эътиборсиз қолган болалар учун "PIASC" ҳамда "Меҳр таянчи" каби нодавлат, нотижорат ташкилотлар томонидан янгидан-янги тадбирлар ишлаб чиқишдир. Бу лойиҳа доирасида, юқорида таъкидланганидек, доимий турар-жойи ноаниқ бўлиб, кўчада қолиб кетаётган тўрт ёшдан ўн етти ёш оралиғидаги болалар ва ўсмирларга ҳамда Тошкент ва Чирчиқ шаҳри меҳрибонлик уйларининг етти ёшдан ўн етти ёшгача тарбияланувчиларига яқиндан ёрдам бериш мақсади кўзланади.

Жаҳон Банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биносида ташкил этилган давра суҳбатида мазкур лойиҳанинг мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари хусусида Жаҳон Банкининг ижтимоий соҳалардаги лойиҳалари бўйича мутахассиси Дилнора Исамиддинова атрофлича маълумот берди.

Тақдимотда пойтахтимизда фаолият юритаётган "PIASC" ҳамда "Меҳр таянчи" каби нодавлат, нотижорат марказлари вакиллари О.Овчаренко ва Н.Тодоровлар лойиҳанинг асосий йўналишлари, яъни меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг мустақил ҳаётга мослашувларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда қийин шароитларда қолган болалар учун ижтимоий хизматни ривожлантириш масалалари тўғрисида сўз юритишди.

— Сизларни бу ерга йиғишдан асосий мақсад, — деди Дилнора Исамиддинова, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мингйиллик бўсағасида тараққиёт соҳасидаги бош мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Жаҳон Банкининг жамиятимиздаги меҳр ва мададталаб болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида таъсис этаётган лойиҳаси мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришдир. Зеро, болалар ва ёшлар ҳар бир давлатнинг эртанги куни, асосий кучи ва салоҳияти ҳисобланар экан, улар билан ишлаш Жаҳон Банкининг ҳам бош йўналишларидан бири бўлиб қолади.

**(Давоми 4-бетда)**

## ИНТЕРНЕТ НОГИРОНЛАРГА

Шу ҳафта аввалида Тошкент шаҳар "Ногирон болалар ва аёллар маънавият-маърифат маркази" нодавлат, нотижорат ташкилотида ахборот технологияларини кундалик ҳаётимизга изчил жорий этиш соҳасида яна бир муҳим тадбир бўлиб ўтди. АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмаги ҳамда Қўшма Штатлар давлат Департаментининг таълимий ва маданий дастурлар бюроси ҳомийлигида Марказда Интернет тармоғининг спутник сайти IATP яратилди.

Мазкур сайтнинг муҳим жиҳати шундаки, спутник сайти ёрдамида ўзбекистонлик юзлаб ёшлар Интернет тармоғи орқали турли таълим-тренинг машғулотларида иштирок этиш, электрон кутубхона ёрдамида хорижда нашр қилинаётган турли мавзулардаги ўқув адабиётлари билан танишиш, шунингдек, масофавий ўқитиш тизимида бевосита иштирок этиш имконига эга бўладилар.

"Таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳар "Ногирон болалар ва аёллар маънавият-маърифат маркази" нодавлат, нотижорат ташкилоти АҚШ ҳукуматининг турли нодавлат ташкилотлари кўмагида 2000 йил февраль ойида ташкил этилган бўлиб, Марказда ўтган йили Интернет маркази ҳам иш бошлаган эди. Айни пайтда бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахассислар пойтахтимизда истиқомат қилаётган ногирон ёшлар ва аёллар компьютерда ишлаш малакасини ошириш, ҳамда янги ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўз иш фаолиятини йўлга қўйишлари учун кўмак бермоқдалар. Ҳозирда марказ Интернет тармоғидан 75 нафар фойдаланувчи рўйхатга олинган бўлиб, ўтган ярим йил моайнида 79 нафар киши компьютердан фойдаланиш, Интернет асослари бўйича тренинг машғулотларни ўтадилар", — дейди биз билан суҳбатда Марказ директори Зора Раҳматуллаева.

Эндиликда Марказда ташкил қилинган спутник сайти дастури ёрдамида юзлаб ногирон ватандошларимиз ўз билим ва ақлий салоҳиятини юксалтириб, жамиятда ўз ўрнини топишларига имкон яратилади.

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ***

**"Математика фани бўйича 5-6-синф ўқувчилари учун яратилган янги ўқув дарслигидаги машқлар шу ёшдаги болалар қобилияти, лаёқати, билим даражаси ва қабул қилишига нисбатан анча мураккаб тузилган".**

## МУКАММАЛ ДАСТУР ВА ЭҲТИЁЖ

***Узлуксиз таълим тизимидаги давлат таълим стандартларига мувофиқ умумтаълим фанлари бўйича яратилган янги ўқув дастурлари тажриба-синови таҳлили***

**"Умумтаълим мактабларида ўқитилган фанлар академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ҳам такрорланаяпти".**

**"Академик лицейда ўқитилаётган кимё фани ўқув дастурлари олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Аслида бундай мураккаб масалалар, лаборатория ишлари олий таълимда ўқитилиши, бажарилиши лозим".**

*Шу каби кўпгина муаммолар мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, ота-оналар томонидан кўп бор тилга олинди ва 1999 йилда бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилди. Хўш, аслида мазкур муаммо қандай ва нима сабабдан юзага келди? Келинг, даставвал ана шу саволга жавоб қидирсак.*

2002 йилнинг январь ойида мазкур муаммо юзасидан дастлабки йиғилиш ўтказилди ва унда иштирок этган икки вазирлик мутасадди раҳбарлари, шунингдек, турли таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчилар муаммо ечими юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Йиғилиш якунида учта таълим турида такрорланадиган ўқув фанлари бўйича янги ўқув дастурларини яратиш зарурлигига келишилди ва ҳар бир таълим тури бўйича мазкур дастурларни яратиш учун масъул муаллифлар гуруҳи тузилди. Гуруҳга мамлакатимизнинг йирик олимлари, катта тажрибали, юқори малакали ўқитувчилар жалб қилинди.

Муаллифлар томонидан учта таълим турида такрорланадиган 19 та фан, яъни она тили, тарих, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" хорижий тиллар (инглиз, олмон, француз), фалсафа (этика, эстетика, мантиқ), иқтисод, физика, астрономия, математика, информатика, биология, кимё, география, ҳуқуқ, рус тили (ўзбек гуруҳи), жисмоний тарбия, чизмачилик каби фанлар аниқланди.

**(Давоми 4-бетда)**

*O'qituvchi yon daftariga*

### SUPERKOMPYUTER ORZUSIDA

**Dunyo bo'yicha mutaxassislar o'ta quvvatli bo'lgan ilmiy superkompyuter yaratish niyatida izlanishlarni davom ettirmoqdalar. Hozirga qadar Yaponiya olimlari tomonidan yaratilgan "Yer stimulyatori" deb nomlanuvchi kompyuter bu borada peshqadamlikni egallab turibdi. Mazkur kompyuter bir soniyada 35 trillionta amalni bajarishga qodir.**

### XITOY IKKINCHI O'RINDA

**So'nggi paytda Internet tizimining jahon bo'yicha keng yoyilishi odatiy ko'rinish olmoqda. Xususan, Xitoyda Internetdan foydalanuvchilar soni 56,6 millionga yetdi. Bu Internetda foydalanish bo'yicha Xitoyning AQShdan keyingi, ikkinchi o'rinni egallab turganligini ko'rsatadi va mazkur raqam 2005 yilga borib mamlakatda 257 millionga yetishi kutilmoqda.**

### ... HAM BEZAK O'RNIDA

**Yaponiyaning "Sharp" firmasi mutaxassislari yaratgan yangi televizor nusxalari e'tiborga molik. Bu rangli televizor yapaloq shaklda bo'lib, u devorga osib qo'yishga mo'ljallangan. "Bu bilan uy bezagi ortib, yanada ko'rkamlashadi" deyishmoqda yangi oynaijahon ixtirochilari.**

### ENG BALAND DARAXT

**Tinib-tinchimas olimlar butun olamda o'sayotgan daraxtlarning orasida eng bo'ydorini topishdi. Ma'lum bo'lishicha, bu borada AQShning Kaliforniya shtatidagi xiyobonlardan birida gurkirab turgan "Govard Libbi" deb nomlangan daraxt birinchi ekan. Uning balandligi 110 metrni tashkil etadi.**

*Чилонзор академик лицейи битирувчиларининг 85,5 фоизи олий ўқув юртларига кирган бўлса, бу кўрсаткич Термиз Давлат университети Шеробод академик лицейи битирувчилари орасида 9,3 фоизнигина ташкил этган.*

*Мактаб кутубхоналарида бўлганимда ўқувчиларни кўраман, бироқ улар дарслик ёки назорат иши учун керакли бўлган китобларнигина ахтарадилар.*



*Xabarlar oqimi*

## ЙЎЛСОЗЛАРИМИЗ АФҒОНИСТОНДА

Республикамизнинг "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концерни ва Афғонистон ўртасидаги Термиз–Мозори Шариф–Шибирғон–Маймана–Ҳирот автомобил йўлини қуриш борасидаги келишувга мувофиқ, ўзбек йўлсозлари томонидан Афғонистонда дастлабки иккита кўприк ишга туширилди.

Узунлиги 31,5, кенглиги 7,3 метрга тенг бўлган бу кўприклар Афғонистоннинг шимоли шарқида, Саланг довонидаги узилиб қолган йўлларни бир-бирига боғлаб, маҳаллий аҳолига катта қулайлик яратди, деб хабар беради

**ЎзА**.

## "ОТЧОПАР" ЎРНИДА "ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ"

Шу йилнинг 1 февралидан собиқ "Отчопар" ўрнида қайта таъмирланиб янада кенг қулайликларга эга бўлган ва номи "Чилонзор буюм бозори" деб ўзгартирилган янги бозор иш бошлади, деб хабар беради ЎзА.

Бозорда 2500та савдо жойи, қўшимча доимий савдо расталари, омборхоналар, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш пунктлари ҳамда автомобиллар учун тўхташ жойлари барпо этилган.

## ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИ АМЕРИКАДА

Мустақиллик туфайли нафақат талабалар, балки иқтидорли ўқувчилар ҳам хорижда ўқиш имконига эга бўлишди. Бундай имконият Американинг АКСЕЛС ташкилоти туфайли амалга ошмоқда. Яқинда Андижон вилоятидан 40 нафар ўқувчи ёшлар АКСЕЛС танловларида иштирок этиб, ғолиб чиққанлиги туфайли АҚШ давлатида таълим олиб қайтишди. АКСЕЛС томонидан бундай танловлар ҳар йили ташкил этилмоқда.

## "БАЛТИМОР" УЧУН ТОМАТ

"Маск" Ўзбек–Британия–Россия қўшма корхонаси Россияга "Балтимор" компанияси учун тайёрланган томат пастасининг биринчи партиясини жўнатди. Шуни таъкидлаш керакки, пишиқчилик мавсумида қўшма корхона 7 турдаги ҳар хил кетчуп ва 900 тонна томат пастаси тайёрлаб экспорт қилган.

## НАВОИЙНИ ЁД ЭТИБ

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида Навоий таваллудига 562 йил тўлиши муносабати билан "Алишер Навоий — шеърият султони" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда навоийшунос олимлардан С. Олимов, Ю. Турсунов, Н. Аҳмедовлар "Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва ўргатиш мушкулотлари", "Навоий ва замондошлари", "Жомий ва Навоий" мавзуларини атрофлича ёритиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Тошкент шаҳридаги 34-, 70-мактаб ўқувчиларининг саҳна чиқишлари тадбирга ўзига хос мазмун бағишлади.

## КИТОБГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

*Mulohaza*

Сиз нима деб ўйлайсиз, ҳозирги кунда ёшларимиз ўртасида китобга эътибор қандай? Яқинда бир танишим нашрдан чиқиб ярми сотилмаган китобни мактабда ўқувчиларга сотиб беришимни илтимос қилдилар. Китоб нархи беш юз сўм бўлиб, уни аввал ўзим ўқиб чиқдим. Шеърларнинг мазмуни айнан ўқувчиларга монанд экан. Она-ватанга бўлган муҳаббат, ота-онага бўлган ҳурмат, дўстликка садоқат каби мавзулар шеърларда ўз аксини топган экан. Хуллас, мен мактаб директори билан гаплашганимда улар "мен ўқувчиларни китоб олишга мажбурламайман. Негаки шундоқ ҳам пул йиғди-йиғди кўп. Майли сиз озроқ олиб келаверинг", дедилар. Мен, улар айтганидек, озроқ китоб олиб келдим. Борсам китоблар ҳалиям деярли сотилмаган. Сабабини директордан сўрасам, ўқувчилар "нархи қиммат экан", дебди. Ахир, ўйлаб кўринг, ўқийман деган одамга беш юз сўм нима деган гап.

Ўқимайдиган одамга юз сўм ҳам қимматлик қилади, чунки у ўқимайди-да. Майли биз китоб нархини чиндан ҳам қиммат дейлик. Лекин ҳали вояга етмаган мактаб ўқувчиларининг кўчаларда, дискотекаларда санғиб юришлари ёки йигитчаларнинг кўча-куйида сигарет чекишлари, мактаб ёшидаги қизларнинг "ким ўзарга" кийинишлари маънавияти пастлигидан дарак бермайдими? Шундай кийинишларга, кўча-кўйда санғиб юришларига ота-оналари пул берадилару китоб олишга пул беролмайдими? Бу ерда уларнинг ҳам айблари бор, деб ўйлайман.

Китобни қиммат дейдилар, бундай ўйлаб кўрсак, ёзувчи шу китобига бутун умри давомидаги ижод намуналарини мужассам этган. Кимдир бу китобга шунчаки кўз югуртирса, кимдир шундоқ кўриб кўя қолади. Мактаб кутубхоналарида бўлганимда ўқувчиларни кўраман, бироқ улар дарслик ёки назорат иши учун керакли бўлган китобларнигина ахтарадилар. Ўз хоҳиши ила китоб ўқийдиган китобхонлар жуда кам. Бу эса барчани бирдек ташвишга солиши керак, деб ўйлайман.

**Нодира САИДАЗИМОВА**

## ТРЕНИНГДА ИЛҒОР ИШ УСУЛЛАРИ ЎРГАТИЛДИ

*Tadbir*

***2003 йил 29-31 январь кунлари Жиззах шаҳридаги "Умид" иқтидорли болалар лицей-интернатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва Осиё ривожланиш банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида эълон қилинган танлов асосида "Fly High 9" 9-синф инглиз тили дарслиги бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

***Тренингда вилоят шаҳар ва туманлардан 30 нафар инглиз тили ўқитувчилари қатнашдилар. Унда кўзланган асосий мақсад —ўқитувчи ва методистлар янги яратилган дарслик ва унинг ўқитувчилар учун мўлжалланган қўлланмаси билан танишишдир ва самарали фойдаланиш, ўргатиш ҳамда коммуникатив тилни ўқитишда интерактив услублардан воқиф бўлишдир. Тадбирда туманларда ҳам каскад усулида тренинг машғулотларини амалга ошириш учун тренерлар танлаб олинди.***

**С.ЎТАМАЛИЕВА,**
**Жиззах вилоят "Таълим маркази" услубчиси**

## ШОИРГА ЭҲТИРОМ ВА ТАЪЗИМ

*Navoiyxonlik*

Ғазал мулкининг султони ҳазрати Мир Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги шаҳримиздаги Нодирабегим номли 265-мактабда кенг нишонланмоқда. Ўқувчилар деворий газета, реферат, буклама китобча ва кроссвордлар тайёрлаб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Фароғат Минаварова бошчилигида "Гулшан ичра нур" номли адабий-мусиқали тадбир ўтказдилар. 9-синф ўқувчилари Н.Бобоёрова, Ҳ.Тўраева, Г.Ҳакимова, Д.Шарафиддиновалар шоир ғазал, қитъа, рубоийларидан ёддан ўқиб, ифодали ўқиш санъатини намоён қилдилар. Барот Исроил қаламига мансуб "Алишернинг ширин тили" драматик достони ва И.Султон, Уйғуннинг "Алишер Навоий" драмасидан саҳна кўринишларини С.Норбўтаев, Р.Туйғунов, Н.Муҳиддинова, Н.Рустамова, З.Зоитовалар актёрлик маҳорати билан ижро этдилар.

Ўқувчилар У.Носир, А.Орипов, Б.Бойқобилов ва бошқа шоирлар ижодидан фойдаланиб, шоирнинг она халқи олдидаги тарихий ва жаҳоншумул хизматларини, асарларида илгари сурган одамийлик, меҳр-садоқат, ватанга содиқлик, одил шоҳ ҳақидаги ғояларини юксак баҳолаб, яна бир бор даҳо шоирга эҳтиром ва таъзим бажо айладилар.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА**

*Tanlov*

Янги 2003 йил кўпчилик журналистларимиз учун муваффақиятли бошланди. "Ma'rifat"нинг ҳар ойда мунтазам ўтказиб келаётган танловининг январь ойи натижалари ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ўтган ойда муштарийлар қалбидан жой олган энг яқин журналистик материаллар сараланиб, таҳлил гуруҳи томонидан қайта кўриб чиқилди, муҳокама қилинди. Қуйида танловнинг 5та номинмацияси бўйича ғолиблар билан танишинг.

## ИЖОДИНГИЗГА БАРАКА!

**"Энг яхши саҳифа"** — Камолиддин Алиохуновнинг "Эски йилга бир назар" деб номланган, ўтган йилда жаҳон сиёсий майдонида рўй берган энг муҳим воқеалар тафсилотига бағишланган саҳифаси (2003 йил 4 январь сони).

**"Энг яхши мақола"** номинацияси бўйича Шерали Нишоновнинг "Сабр косасидан сув ичган умр" номли, кекса замондошимизнинг ўтмишга айланган аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи мақоласи (2003 йил 4 январь сони) ғолиб деб топилди.

**"Энг яхши интервью"** — Муҳаммаджон Исроиловнинг ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг қизиқиш ва лаёқатларига тўғри ташхис қўйиш муаммоларига бағишланган "Касбий лаёқат қандай аниқланади?"мавзудаги интервьюси (2003 йил 29 январь сони).

**"Энг яхши янгилик"** сифатида Назокат Шербоева томонидан таҳририятга йўлланган "Ўқиганга 50 минг" сарлавҳали, Пахтачи туманидаги Абдуазиз Аллаёров номидаги ширкат хўжалиги маъмуриятининг мактаб ўқувчиларига кўрсатаётган ҳомийлиги хусусида берилган хабар эътироф этилди.

**"Энг яхши фотосурат"** номинацияси бўйича ғолиблик Абдуғани Жумаевга 2003 йил 25 январь сонида берилган ижод намуналари учун насиб этди. Биз ғолибларни қутлаб, ижодларига барака тилаб қоламиз. Барча журналистларни танловимизга таклиф қиламиз.



**Қарши компьютер технология касб-ҳунар коллежида кўпгина мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Жумладан, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, радиотехника ва телеаппаратларни таъмирлаш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, компьютер ва офис жиҳозларини таъминлаш каби мутахассисликларни кунт билан ўрганаётган ўқувчиларга "Маънавият асослари", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар" каби фанлар ҳам чуқур ўргатилади.**

**Суратда: коллежнинг олий тоифали ўқитувчиси Зулфия Орипова "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан дарс ўтмоқда.**

**Б.МУРОДОВ олган сурат.**

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Андижон вилояти, Пахтаобод тумани 4-гимназия-интернати маъмуриятидан.***

**САВОЛ**: — Бизнинг 4-гимназия-интернатимизда фан ўқитувчилари, тарбиячи ва тўгарак раҳбарларининг билимларини баҳолаш мақсадида ички аттестация ўтказилди. Бироқ Пахтаобод туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги № 406-қарори билан тасдиқланган "Аттестация тўғрисидаги Низом" талаблари бузилган деб хулоса чиқарди, прокуратура чиқарган хулоса тўғрими?

**ЖАВОБ:** — Давлат аттестациясини ўтказиш ваколати Давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан ўтказилади. Давлат аттестацияси педагог кадрларнинг касбий сифатлари ва фаолиятининг якуний натижалари, таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнларини такомиллаштиришни холисона баҳолаш мақсадида ўтказилиб, бу борада янги Низом ишлаб чиқилган ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилган. Тасдиқдан ўтгач, ана шу Низом асосида аттестация ўтказила бошланади. Ваколатга эга бўлмаган бирон-бир ташкилот педагогларнинг аттестациясини ўтказишга ҳақли эмас.

***Й.АҲМЕДОВ,***
***Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси***

*Hay'at yig'ilishida*

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БОРИЛАЯПТИМИ?

Халқ таълими вазирлигида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда 2002 йилда олий ўқув юртларига талабалар қабули бўйича тест синовлари якунлари ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича кейинги босқичдаги вазифаларга бағишланган қўшма ҳайъат мажлиси ўтказилди. Халқ таълими вазири Р.Жўраев раислик қилган ушбу мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг маъсул ходими Н.Мўминов иштирок этди.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича Давлат тест марказининг собиқ директори эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг раиси М. Муҳиддинов маъруза қилди.

Қўшма ҳайъат мажлисида Республика олий ўқув юртларига талабалар қабули бўйича ўтказилган тест синовлари натижалари Давлат тест маркази таҳлиллари асосида унинг вакиллари иштирокида Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, уларнинг жойлардаги бошқармалари ҳайъатларида, халқ таълими бўлимлари ва барча таълим муассасаларининг педагогик кенгашларида мунтазам муҳокама этиб борилаётганлиги таъкидланди.

Бундай муҳокамалар натижасида таълим муассасаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлаш бўйича умумтаълим мактабларида 30 та, академик лицей ва коллежлар қошида 11 та марказлар, шунингдек, кўплаб курслар ва репетиторлик шохобчалари ташкил этилган, уларда битирувчиларнинг кўпчилиги бирламчи тестлардан ўтказилган. Республикадаги жами 212 та халқ таълими бўлимларининг 172 тасида, методика кабинетларининг 15 тасида, умумий ўрта таълим муассасаларининг 179 тасида ва бир қатор академик лицей ва коллежларда модем алоқа тизими жорий этилиб, тест амалиёти бўйича машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Маълумотларга кўра, Республикада умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари сони 2001 йилда 314 мингтани ташкил этиб, улардан 180,3 минг (57 фоизи) нафари, 2002 йилда эса 36,3 минг битирувчиларнинг 16,5 минг (45 фоизи) нафари олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топширган. Умумий ҳолда 45,4 минг (28,6 фоиз) нафар битирувчилар, шу жумладан, 2002 йил ҳужжат топширган умумтаълим мактабларини битирувчиларидан 5127 (31 фоиз) нафари олий ўқув юртларига қабул қилинган.

Академик лицейларнинг 4822 нафар битирувчиларидан 4518 нафари (93,6 фоизи) олий ўқув юртларига кириш учун тестлар топшириб, шулардан 2783 нафари (61,7 фоизи) талабалар сафига қабул қилинган. Шу давр мобайнида касб-ҳунар коллежларини 24,5 минг нафар талаба битирган бўлиб, уларнинг 5044 нафари олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида қатнашган ва улардан 1649 нафари (30 фоизи) ўқишга қабул қилинган. Бу кўрсаткич мазкур турдаги таълим муассасаларини битирувчиларини 7 фоизини ташкил этади.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан маърузачи олий ўқув юртига кирувчилар кўрсаткичларини таълим турлари бўйича, умумтаълим фанлари бўйича ҳамда вилоятлар кесимида ўнлаб фактологик чизма диаграммалар ёрдамида атрофлича таҳлил қилиб берди. Жумладан, асосий вазифаси олий ўқув юртларига талабалар тайёрлаш бўлган таълим муассаси тури – академик лицейларга тўхталиб, уларнинг битирувчиларининг олий ўқув юртларига киришида анчагина тафовутлар борлигини айтиб ўтди. Масалан, Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи битирувчиларининг 85,5 фоизи олий ўқув юртларига кирган бўлса, бу кўрсаткич Термиз Давлат университети Шеробод академик лицейи битирувчилари орасида 9,3 фоизнигина ташкил этган.

Қўшма ҳайъат мажлисида, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларининг тест натижалари таҳлил этилар экан, аксарият ўқув фанларидан баъзи вилоятлар сўнгги йилларда жуда оқсаётганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, 2002 йилги тест натижаларига кўра, Сурхондарё вилояти ўқувчилари 11 марта, наманганликлар 9 марта, фарғоналиклар 8 марта, навоийликлар 6 марта 11 та ўқув фанлари бўйича республикада энг охирги ўринларни банд этишган.

Бу ҳолат юқорида номлари қайд этилган вилоятларда давлат тест синови хулосалари асосида ўқувчилар билим савиясини ошириш бўйича амалга оширилаётган ташкилий-педагогик тадбирларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 30 ноябрдаги 11/1-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилганлиги натижаси, деб баҳоланди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатишни талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, уларни тест синовларига тайёрлаш бўйича тавсия этилган иш шакллари ва услубларини, биринчи навбатда, тестга тайёрлаш марказлари билан ҳамкорликда абитуриентларга манзилли услубий хизмат кўрсатиш амалиётида изчиллик таъминланмаганлиги, қатор йиллардан бери ўқувчилари олий ўқув юртларига кира олмаётган мактаб ўқитувчиларининг малакаси ва касбий тайёргарлигига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборилганлиги, деб топилди. Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ишларида иштироки туфайли қолдирилган дарсларни энг мақбул асосларда қоплаш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги, уларга дарсликлар ва қўшимча манбалар устида мустақил ишлаш малакасини беришдаги лоқайдликлар, таълим муассасалари ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни маҳаллий хокимиятлар билан ҳал этишда йўл қўйилган муаммолар ҳам тест натижаларини паст чиқишига сабаб бўлаётганлиги эътироф этилди.

Мажлисда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ж.Ҳусанов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони маъсул ходими Н.Мўминов ва бошқалар сўзга чиқиб, битирувчиларни олий ўқув юртларига кириши самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Кадрлар тайрлаш миллий дастури талаблари ҳамда 2002 йил Давлат тест синовлари якуний таҳлилларига асосан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида қўшма ҳайъат мажлиси бир қатор қарорлар қабул қилди.

Шундан сўнг, Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат мажлиси бошланди. Кун тартибида иккита масала кўрилди, биринчиси Фарғона вилояти халқ таълими бошқарув органлари, малака ошириш ва методик хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан педагогларга амалий ёрдам кўрсатиш ишларининг самарадорлигига бағишланди. Ушбу масала юзасидан дастлаб Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Хўжаев, сўнгра Республика таълим маркази директор ўринбосари Н.Турдиевлар маъруза қилдилар.

Мажлисда кўриб чиқилаётган масала юзасидан Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 27 июлдаги "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида"ги 7/3 – сонли қарори ҳамда 2002 йил 8 июлдаги "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 109-сонли буйруғи асосида муайян ишлар амалга оширилган.

Методик хизматнинг узлуксизлигини таъминлаш, ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш жараёни вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, мактабдан ташқари муассасаларга хизмат кўрсатувчи Методик марказ, Муаллифлар маркази, туман халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги методика кабинетлари, туман фан уюшмалари ҳамда вилоят методика маркази томонидан бошқарилиб келинмоқда. Вилоятда 390 та методист фаолият кўрсатиб, шулардан 45 нафари мактабгача таълим муассасаларига, 345 нафари умумий ўрта таълим мактабларига методик хизматни амалга оширмоқдалар. Фаолияти методик хизматга йўналтирилган бошқарув органлари ўз хизматларини методик тавсия ва қўлланмалар яратиб, жойларга етказиш, доимий ҳаракатдаги семинар-тренинглар ташкил этиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, малака ошириш курсларида амалиётчиларни қайта тайёрловдан ўтказиш, вақтли матбуот, радио эшиттириш ҳамда телекўрсатувлар орқали амалга оширилмоқда.

Вилоятда ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш самарадорлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Туман методика кабинетларида 100 тагача ижодкор ўқитувчилар банклари ташкил қилинган. Иш тажрибаларни оммалаштириш, матбуотда ёритиш, телекўрсатувлар, рисола ва кўрсатмали лавҳалар шаклида амалга оширилган.

Мажлисда методик хизмат кўрсатиш борасида вилоятда олиб борилаётган ижобий ишлар билан биргаликда бир қатор камчиликлар ҳам мавжудлигига тўхталиб ўтилди.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи режаларини амалга ошириш учун педагогларга методик хизматни яхшилаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан бир қанча қарорлар, буйруқлар қабул қилинган. Методик хизматга доир кўпгина ҳужжатлар тайёрланиб, тасдиқланиб жойларга юборилган. Уларнинг ижросини таъминлаш учун маъсул вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимларининг бошлиқлари ҳисобланади. Вилоят халқ таълими бошқармасида эса кейинги уч йил мобайнида бу йўналишда бирорта масала ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинмаган ва режалаштирилмаганлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг 2001 йил 27 июлдаги "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 7/3 –сонли қарори, 2002 йил 8 июлдаги "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 109-сонли буйруғи ижроси вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан етарли даражада ўрганилмаган ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли мазкур буйруқ билан тасдиқланган ҳаракат дастуридаги вилоят ва туманларга тегишли бандларнинг айримлари мутлақо бажарилмаган, баъзиларининг эса дастлабки ташкилий ишлари амалга оширилган ҳолда фаолият изчил давом эттирилмаган, бошланган жараён ниҳоясига етказилмаган. "Методика кабинетлари фаолиятлари "Методика кабинети тўғрисидаги Низом"га мувофиқ таҳлил қилинмаган ва тегишли кўрсатмалар берилмаган.

Методика маркази томонидан 109-сонли буйруққа асосан, туман методика кабинетларига, методика кенгаши, таянч мактаблар, фанлар бўйича Методика уюшмалари, умумтаълим мактабларида Педагогика кенгаши, методика бирлашмалари фаслиятини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам уюштириш тизими яратилмаган. Мажлисда, шунингдек, айрим туманларда фан уюшмалари ташкил қилинмаганлиги, ташкил этилган уюшмаларда эса ўқув фанлари бўйича очиқ дарсларни таҳлил қилиш, ўқитувчиларни методик хизматга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш усуллари каби ишлар амалга оширилмаганлиги жиддий камчилик сифатида баҳоланди.

Юқорида санаб ўтилган қатор камчиликлардан келиб чиқиб, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан педагогларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган ишларнинг самарадорлиги етарли даражада эмас, деб топилди. Узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича вилоят халқ таълими бошқармасига, шунингдек, барча ҳудудий бошқармалар ҳамда республика ташкилотларига тегишли топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида кўриб чиқилган сўнгги масала Халқ таълими вазирлигининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини 2001—2005-йиллар давомида ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган тадбирлари ижросига бағишланди. Ушбу масала юзасидан вазирликнинг давлат таълим стандартлари бошқармаси бошлиғи А. Калантаров ахборот берди. Муҳокамалардан сўнг ушбу масала юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилиб, ҳайъат мажлиси ўз ишини ниҳоясига етказди.

***Жаҳонгир МУСАЕВ,***
***Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази раҳбари***

# «КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

**Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА — Тошкент тумани, 2-мактаб:**

*— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ислоҳотлар барча мактабларда, жумладан, бизнинг мактабда ҳам давом этмоқда.*

*Марҳамат қилиб айтингчи, Миллий дастурнинг иккинчи босқичида мактабларда яна қандай ўзгаришлар амалга оширилади?*

— Иккинчи босқичда сизнинг мактабингизда қандай ўзгаришлар бўлиши кераклигини мендан кўра сиз яхшироқ биласиз, деб ўйлайман. Мен эса, умуман, умумтаълим тизимида амалга оширилаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапиришим мумкин.

Мана, иккинчи йилки, жамият Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг иккинчи босқичини бажаришга куч-ғайрат билан киришди. Ўтган даврда биринчи босқичда бошланган ислоҳот жараёни изчил давом эттирилди ва бу йўналишдаги фаолият янада такомиллаштирилмоқда. Шу икки йил мобайнида мактабларни ривожлантириш бўйича эришилган натижаларнинг айрим далилларини келтириб ўтишим мумкин. Бу даврда деярли 45 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаблар ва уларга қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 130 та мактаб компьютерлаштирилди. Американинг ЮСАИД агентлигидан 1000 дона компьютер олиш иши якунланаяпти. 8,7 миллиард сўмга мактаблар учун мебеллар олинди, кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи болалари учун 13 миллиард сўмдан кўпроқ ҳажмда кийим-кечаклар харид қилинди. Шундай қилиб, халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадидаги фаолият қизғин давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик иккинчи босқичда таълим сифатини оширишга қаратилган махсус, аниқ мақсадли иш олиб боришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Албатта, бундай иш ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келган. Бироқ, бундан кейин таълим жараёнининг сифатини янада такомиллаштириш, чуқурлаштириш йўлидан борамиз.

Ҳукуматимиз мактабларни компьютерлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу масалада махсус дастур ишлаб чиқилган. Таълим жараёнида ўқув режаларида белгиланган турли фанлардан дарс машғулотларини ўтишда компьютер технологияларидан фойдаланиш кенгайтириб борилади. Бунинг учун аниқ мақсадли компьютер дастурлари ишлаб чиқилиб, қўлланилмоқда ва тажриба майдонлари ташкил этилмоқда. Ҳозирча компьютер технологияси мактабларни ва умуман халқ таълими тизимини бошқариш соҳасига жорий этила бошланди.

Шунингдек, барча даражаларда таълимни бошқаришнинг ҳамда ўқув жараёнининг самарадорлиги ва сифати мониторингини амалга ошириш технологиялари такомиллаштирилмоқда. Жумладан, мактабгача, мактабдан ташқари таълим ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳалари мониторингини ўтказиш бўйича яхлит тизим яратилмоқда.

**Асрор ҚОДИРОВ — Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси:**

*— 12 йиллик узлуксиз мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш дастури қачон тўла амалга ошади? Вазирлик умумтаълим мактаблари битирувчиларининг савияси давлат таълим стандартларига нечоғлиқ мувофиқ эканлигини таҳлилдан ўтказдими?*

— Мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш 2010 йилда тугалланиши белгиланмоқда. Бу вақтга келиб, неча юзлаб академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилиши, керакли ўқув жиҳозлари билан таъминланиши, ўз бағрига ярим миллиондан зиёд 9-синфни битирган ўқувчиларни қабул қила оладиган бўлиши лозим.

Ўқувчилар билим даражасининг Давлат таълим стандартлари (ДТС) талабларига мувофиқлиги ушбу стандартлар мактаблардаги ўқув жараёнига жорий этилган биринчи йилдан буён мунтазам таҳлил этиб келинмоқда.

Ўтган даврда бошланғич синф ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги ДТС талабларига қиёсланиб чуқур ўрганилди. Ундан кейин 5, 6, 7 ва 8-синфларга ДТС ва янги ўқув дастурларининг жорий этилиши якунлари таҳлил этиб чиқилди. 2003 йилда эса ДТС ва янги ўқув дастурлари 9-синфларга биринчи марта жорий этилмоқда. Вазирлик томонидан бу тадбирнинг ярим йиллик ва ўқув йили якунлари бўйича мониторингини ўтказиш кўзда тутилган.

11-синфни битирувчиларнинг таълим тайёргарлигини ҳам биз ҳар йили вазирлик ҳайъат мажлисларида муҳокамадан ўтказамиз. Бунинг учун Давлат тест маркази материалларини асос қилиб оламиз. Айни пайтда уларга мактабларни битириш имтиҳонлари якунлари бўйича тўпланган маълумотларни ҳам қўшиб ва тўлдириб, муҳокама қиламиз.

**Суннат ДЎСТМАТОВ — Янгиобод туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси:**

*— Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш нега тўхтатиб қўйилди. Бу тадбир яна ўтказиладими? Унинг натижалари ўқитувчиларга тоифа даражаларини беришда инобатга олинадими?*

— Давлат аттестациясини ўтказиш муддатлари жойлардаги ҳокимиятлар томонидан белгиланади. Уни ўтказиш тартибини эса Давлат тест маркази ва вазирлик биргаликда ишлаб чиқишган. Аттестация натижалари асосида ўқитувчиларга тоифа даражалари берилади.

(Шунга ўхшаш савол билан тошкентлик Венера Шокирова ҳам вазирга мурожаат қилди).

**Нодир ТЎЙЧИЕВ — Тошкент:**

*— Бугун мактаблар савияси бир-биридан ажралиб туради. Сизнингча бу нормал ҳолатми? Келгусида мактабларнинг ўзини ўзи молиявий таъминлаши кўзда тутиляптими?*

— Ҳукумат томонидан Давлат таълим стандартлари тасдиқланганини юқорида айтдик. Республикамиздаги ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ўқувчиларига ушбу стандартларда белгиланган талаблардан паст бўлмаган билим бермоғи лозим. Агар улар шу билимни бермаса бу нормал ҳолат эмас, албатта. Биз шу даражадаги мактабларни иложи борича камайтиришга ҳаракат қиламиз.

Таълим муассасалари ўртасидаги рақобат аввалдан бор эди, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам такомиллашиб, давом этаверади. Аҳоли талаб-эҳтиёжидан, шу билан бирга мавжуд имконият ва шароитдан келиб чиқиб бир мактабда чет тили, бошқасида аниқ фанлар, учинчисида ижтимоий фанлар, яна бирида мусиқа ва тасвирий санъат чуқурлаштирилиб ўқитилади. Бундай юқори даражадаги мактаблар республикада қанчалик кўп бўлса, шунча кўп иқтидорли ва истеъдодли ёшларимиз ҳаётда ўз ўринларини топишади.

Албатта, ҳар бир инсон фарзандининг баркамол шахс бўлиб етишишини хоҳлайди. Бугун ота-оналар ўз болалари учун мактаб ва ўқитувчи танлаш ҳуқуқига эга. Шу боисдан, қайси мактабнинг биринчи синфига аризалар кўп тушаётган бўлса, шунга қараб мактабларнинг обрў-эътиборини белгилаш мумкин. Бу эса мактаблар, ўқитувчилар ўртасида ижодий рақобат уйғотади. Рақобат — таълим ривожи учун самарали. Республикамизда 500 дан кўпроқ таълим соҳасининг илғорлари бор. Биз уларнинг тажрибасини оммалаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Молиявий мустақиллик учун эса қонуний асослар мавжуд. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига асосан, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. Мазкур жамғарма иқтисод қилинган маблағлар, аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш, бўш хоналарни ижарага бериш, ҳомийлар ёрдами ва бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади. Марҳамат, имкониятлардан фойдаланинг.

**Валерий КОНОНЕРОВ — Шайхонтоҳур тумани, 19-мактаб ўқитувчиси:**

*— Менга ўтган йили 1 октябрда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер" унвони берилган эди. Бироқ ҳозиргача на туман, на шаҳар халқ таълими бўлими бу унвон учун қўшимча ҳақ тўлашни белгилашмади.*

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сонли қарорига биноан, Сизга энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида қўшимча иш ҳақи белгиланиши керак.

**М.МУСУРМОНОВА — Жиззах вилоятидан, ўқитувчи:**

*— Болалар боғчаларида ўйинчоқлар етишмаяпти. Уларни харид қилиш учун етарли маблағ ҳам ажратилмаяпти. Вазирлик томонидан аҳволни ўзгартириш учун чора-тадбирлар кўриляптими?*

— Сиз долзарб масалани кўтардингиз. Бир вақтлар Россия, Украина, Белоруссиядан ўйинчоқлар келтирилишидан ташқари республикамизнинг ўзида ҳам шунга ихтисослаштирилган корхоналар бор эди. Ҳозирги кунда болалар боғчаларининг 50 фоиздан кўпроғи ўйинчоқлар билан таъминланган. Бунда четдан келтирилаётган қўғирчоқлару ўйинчоқларнинг нисбатан анча қиммат нархда эканлиги ҳам ўзини кўрсатаяпти. Вазиятни ўнглашнинг йўли битта — ўз республикамизда ҳам болаларимиз учун зарур ана шундай воситаларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очилиши керак. Саноат вакиллари билан учрашувларда мен бу масалани тез-тез кўтараман. Улар таклифларимизни ўйлаб кўриб ишга киришсалар, аҳвол шунча тез ўнгланарди.

Вазирлик ҳар йили болалар ўйинчоқларининг республика танловини ўтказмоқда. Биз корхоналарга ўйинчоқларнинг санитария-гигиеник ва эстетик талабларга жавоб берадиган энг яхши намуналарини беришга тайёрмиз.

**Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги "Гулдаста" болалар боғчасига болалари қатнаётган бир гуруҳ ота-оналар:**

*— Болалар боғчаси учун тўловларда қандай имтиёзлар бор ва улар кимларга тааллуқли?*

— Бу масалага доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрда қабул қилинган 490-сонли қарори бор. Жумладан, унинг 20-бандида айтилганидек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони ҳисобланувчи болалар ҳамда сил, сариқ касалликларига учраган ва танасининг таянч-ҳаракатлантирувчи аъзолари касалланган болалар тўловлардан озод қилинади.

**Раҳима ЙЎЛЧИЕВА — Қўқон шаҳри, 31-мактаб директори:**

*— Уч йил аввал мактабимиз биносига шаҳар ҳокимлигининг топшириғи билан битта поликлиника жойлаштирилган эди. Бу ҳам етмаганидай, ўтган йилнинг 7 ноябрь куни яна бир ҳужжат қабул қилиниб, унга асосан иккинчи поликлиника ҳам мактабимизга киритилди. Ота-оналар, мактаб маъмуриятининг фикрини бу ерда ҳеч ким инобатга олмаяпти. Натижада, биз болаларни кабинет тизимида ўқитишдан маҳрум бўлдик. Мактабда ўқиш уч сменада ташкил этилган.*

— Қўқон шаҳар ҳокимлигининг бундай хатти-ҳаракати қонунларга зид. Бугуннинг ўзида Фарғона вилоят ҳокимлигига хат билан мурожаат қиламиз ҳамда мазкур масалани назоратимизга оламиз.

**Муртазо РАСУЛОВ — Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси:**

*— Бизнинг мактабимиз Қамашида бўлиб ўтган зилзиладан кейин авария ҳолатига келиб қолди. Шу сабабдан, уни қайтадан қуришга киришилган эди. Лекин қурилиш тўхтаб қолди. Бизлар бор-йўғи яроқли 6 та синфхонада, уч сменада дарс ўтаяпмиз. Ўқувчилар тиқилишиб ўтиришади. Мактабимизга ёрдам керак.*

— Муртазо, синфлар совуқ эмасми?

*— Йўқ, иситиш чораларини кўрганмиз.*

— Биламан, зилзиладан кейин Қамашида мураккаб вазият вужудга келган. Фақат сизларнинг 45-мактаб эмас, бошқа яна бир қатор мактаблар жиддий ёрдамга муҳтож. Лекин кайфиятни бардам қилинг. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Қамаши туманидаги мактабларни қайта қуриш ва тубдан таъмирлашни энг зарур объектлар сифатида ўз режаларига киритган. Уларнинг қурилиши ва таъмирланиши вазирлигимизнинг ҳам назоратида. Менга қўнғироқ қилганингиз яхши бўлди. Биз бу масалада вилоят ҳокимлигига шу бугун-эртага яна мурожаат қиламиз. Сизлар ҳам хат билан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилишингиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилайлик.

**Ойгул ЭШМУРОДОВА — Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси:**

*— Ўқувчилар билимини беш балли баҳолаш ўрнига жорий йилдан бошлаб бундай баҳолашнинг янги — рейтинг тизимига ўтилди. Энди ўқитувчилар қайси ўқувчига беш, қайсисига олти, қайси бирига 12 балл қўйилиши керак деб, ҳисобчилардай ишлашига тўғри келяпти. Бу рейтинг тизими амалиётда ўзини оқлаб, яшаб кетармикин?*

— Янгиликнинг афзалликларини чуқур тушуниб етмасдан инкор қилиш ёки уни шубҳа остига олиш тўғри эмас. Бир оз вақт ўтади, сизнинг ўзингиз рейтинг тизимининг афзаллигига ишонч ҳосил қиласиз.

Рейтинг тизимида ўқитувчи дарс машғулотларини ўтибгина қолмасдан, унинг самарадорлигини ҳам назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчининг вазифаси нимадан иборат? Ўқувчига ҳозирги давлат таълим стандартлари, янги дастурлар асосида пухта билим бериши керак. Бугун, масалан, бошланғич таълимнинг охирида ўқувчилар бир дақиқада 80-90 тагача сўзни ўқий олиши керак. Унинг ютуқлари турли босқичларда қандай кузатиб борилади? Бошланғич синфни тугатгандан кейин, ўқувчи ҳамон китобни бўғинма-бўғин, ҳижжалаб ўқишдан нарига ўта олмаса, аҳволни тузатиш қийинлашиб қолмайдими? Рейтинг тизими — ўқувчи билимини қадам-бақадам, ҳар куни назорат қилиб боришга имкон беради. Агар ўқувчининг ўзлаштириши қониқарли бўлмаса, унга вақтида етарли билим бера олмаган ўқитувчи ўқувчи билан бепул қўшимча машғулот ўтказишига тўғри келади. Шундай қилиб, рейтинг тизими — ўқитувчининг салоҳиятини ҳам аниқлаш воситасидир. Бу борада икки ва ундан кўп йил синов майдонига айланган мактабларда янги тизим ҳозир амалиётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Сизлар ҳам аста-секин бу янгиликка кўникасизлар.

Биз бугун бутун дунё билан ҳамқадам ривожланишни мақсад қилганмиз. Орқада қолишни хоҳламасак, рейтинг тизимига дадил ўтишимиз керак. Ҳозирги кунда бу тизим академик лицейларда, касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида қўлланилмоқда. Уни қўллаш услубияти батафсил ишлаб чиқилган, махсус китоб тарзида нашр этилган ва мактабларга тарқатилган. Мактабларда компьютерлаштиришга босқичма-босқич ўтилгач, бу масалада ҳеч бир қийинчилик бўлмайди. Шунинг билан бирга, биз мазкур тизимни такомиллаштириш билан боғлиқ конструктив мулоҳазалар ҳамда таклифларга тайёрмиз.

(Вазирга Сулаймон Баҳромов, Татьяна Гурьевалар ҳам худди шундай саволлар билан мурожаат қилишди).

**Ольга СУХОРУК — Тошкент:**

*— Мактабгача таълим муассасалари учун ходимлар тайёрлаш дастури борми?*

— Ҳа. Бу йўналишда ишлар жиддий йўлга қўйилган. Республикамизнинг 5 та педагогик олий таълим муассасасида, шунингдек, Тошкент давлат педагогика университетида ва Термиз давлат университетида мактабгача таълим мутахассислари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, бу олий таълим муассасалари қошида худди шу йўналишда сиртқи бўлимлар ҳам очилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини тайёрловчи махсус касб-ҳунар коллежлари ҳам бор.

(Тошкентлик Дилфуза Иноғомжонова ҳам шу масаладаги савол билан мурожаат қилган)

**Умида НОСИРОВА — Тошкент, ўқитувчи:**

*— Янги йилдан бошлаб ўқитувчилар учун белгиланган барча имтиёзлар бекор қилинади, деб эшитдим. Шу ростми?*

— Менинг қулоғимга ҳам шундай гаплар чалиниб қоляпти. Бироқ бундай миш-мишларни кимлар тарқатяпти? Билолмаяпман. Мен ҳукумат аъзоси сифатида расман айтаманки, бундай қарор қабул қилинмаган.

*— Мактаблардаги аёл ўқитувчилар 58 ёшдан, эркак ўқитувчилар — 63 ёшдан нафақага чиқармиш, деган гаплар ҳам юрибди...*

— Бу гапларга ҳам қулоқ тутманг. Бемалол ишингизни давом эттириб, болаларимизни тарбиялаш йўлидаги меҳнатни бардам кайфият билан давом эттиринг.

*— Раҳмат!*

(Вазирга шунга ўхшаш саволлар билан Ольга Хохловкина, Султоной Оқбоева, Тоҳиржон Тўраевлар ҳам мурожаат қилишди).

**Тўхтамурод МУҲАМЕДОВ — Зангиота туманидан, собиқ ўқитувчи, меҳнат фахрийси:**

*— Бизнинг Эркин қишлоғимиздаги мактаб 1936 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Ҳозирги кунда у тубдан таъмирлашни талаб этиб турибди. Ёрдамингиз зарур.*

— Умуман олганда, мактаблар қурилиши ва уларни капитал таъмирлаш жойлардаги ҳокимликларнинг вазифасига киради. Мазкур масалада уларга мурожаат этишингизни тавсия этаман.

*— Ҳозирги пайтда айрим халқаро молия ташкилотлари республикамиздаги таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга қаратилган кредитлар ажратяпти. Улар бизнинг мактабимизни қайта қуриш учун ҳам кўмаклашиб юборишар...*

— Сизга айтсам, яқинда республикамиз ҳукумати Осиё Тараққиёт ва тикланиш банки билан таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳани имзолади. Бу кредит ўқув муассасаларининг моддий-техника асосини мустаҳкамлаш ва масофадан туриб ўқитиш асосида ўқитувчиларимиз малакасини ошириш мақсадларига сарфланади. Шу асосда 500 ўқув муассасасини таъмирлаш режага киритилган. Агар Тошкент вилояти ҳокимлиги "Эркин"-даги мактабни таъмирлаш иложини топа олмаса, биз ўз имкониятларимизни қараб кўрамиз.

(Китоб туманидаги 65-мактаб ўқувчиси Илҳом Каримов ҳам ўзи ўқийдиган мактабда спорт зали йўқлиги, мактабнинг янги биноси қурилиши чала ётганлигини айтиб, вазирга савол йўллабди. Қашқадарё вилояти ва Китоб туман ҳокимликлари буни инобатга олар деб ишонамиз).

**Алфия МАННОПОВА — Шайхонтоҳур туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси:**

*— Мактабларни дарсликлар билан тўла-тўкис таъминлаш бўйича қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Очиғини айтганда, дарсликлар етишмаяпти ва уларнинг сифати ҳам яхшиланиши керак...*

(Худди шундай савол билан А.Тўйчиев ҳам мурожаат қилди).

— Сизни тушунаман. Айрим дарсликлар етишмаяпти. Биз янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича таълимни йўлга қўйишга ўтдик. Уларга мос келадиган дарсликларнинг янги авлоди фақат тендер асосида яратилмоқда. Натижада дарсликларнинг нархи арзонлашмоқда, уларнинг полиграфик сифати яхшиланмоқда. Ўқувчиларимизни сифатли дарслик билан таъминлаш мақсадида биз босқичма-босқич ижара тизимини жорий этмоқдамиз. Ўтказилган тажриба-синов мазкур тизимнинг самарадорлигини кўрсатди. Ҳар бир мактаб кутубхонасида китобларнинг айланма жамғармаси ташкил этилмоқда. Жорий йилда шу мақсадлар учун 7,5 млн. нусха дарсликлар чоп этилиб, мактаб кутубхоналарига етказилди. Республика ҳукумати мазкур масалага жуда катта эътибор бераяпти. Биргина мисол. 2002 йилда дарсликлар харид этиш учун бюджетдан 8,8 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилди.

*— Мени яна бир масала ўйлантириб турибди. Учта фарзандим қатнайдиган мактабда 4 та фан бўйича ўқитувчи йўқ. Натижада педагогика университетининг юқори курс талабалари мактабга келиб ишлашаяпти. Менинг болаларим ва тенгқурлари бундай шароитда ҳозирги кунда талаб қилинаётган билимни эгаллашга муваффақ бўлишаяптимикин?*

— Тошкент шаҳридаги баъзи мактабларда чет тили, меҳнат ва жисмоний тарбия бўйича ўқитувчилар етишмай турибди. Бошқа фанлар бўйича ўқитувчилар етарли. Биз бу масала билан шуғулланаяпмиз. Шу билан бирга, сизнинг фарзандларингиз ўқиётган мактабда маънавий-руҳий шароит, афтидан, кўнгилдагидай эмас. Ахир, мактабда бюджетдан ташқари маблағ топишни, ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйиш керак. Изланиш, жон куйдириб ишлаш керак. Замон, бозор иқтисодиёти даври фаоллик, ташаббускорликни талаб қилади.

*— Мен Тошкентдан, Антонина Васильевнаман. Сўрамоқчи эдимки, нега бошланғич синфларда ўқитувчиларнинг дарс юкламаси 14 соатдан 18 соатга ошса-да, лекин уларнинг ойлик иш ҳақида бу ўзгариш сезилмади?*

— Антонина Васильевна, қанча ойлик оляпсиз?

*— 25 минг сўм.*

— Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги пайтда ўқитувчиларнинг бир ставка учун ойлик иш ҳақи миқдори ўртача 4 мингдан 4,5 минггача ошган. Агар, 14 соатлик ҳафталик юклама пайтида бир ставка учун ўқитувчи ўртача 14 мингдан 14,5 минг сўмгача (яъни 18 соатлик юкламада — 18,5 дан 19,3 минг сўмгача) иш ҳақи олган бўлса, ҳозирги пайтда 18 соатлик ҳафталик юкламада бир ставка учун у ўртача 22 мингдан 23,5 минг сўмгача олиши керак. Оддий ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, иш ҳақидаги фарқ мавжуд ва бу босқичма-босқич кўпайиб бораверади.

*— Рисбой Ҳайдарович, яна битта саволга ижозат сўрайман. Ўқитувчилар кўпгина жамоатчилик ишларини ҳам бажарадилар. Майли, биз буни бурчимиз деб биламиз. Лекин бу ишларни бажариш учун у ёқ-бу ёққа бориш, юриш керак бўлади. Бизларга эса йўл чиптаси берилмаяпти...*

— Мен бу масалада маҳаллий ҳокимият раҳбарларига мурожаат қилдим. Улар вазиятни тушунтиришди. Йил бошида айрим банкларга пул тушиб улгурмаган экан. Хотиржам бўлинг, йўл чиптаси албатта берилади.

Энди, ўқитувчиларни рағбатлантириб туриш масаласига келсак, ҳозирги кунда бу борада мактабларга катта имкониятлар берилган. Жумладан, улар бюджетдан ташқари маблағларни ўзлари ишлаб топишлари мумкин. Бу маблағнинг 25 фоизи самарали фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи тўлаш учун сарфланади. Ҳозир биз ҳар бир мактабнинг банкларда ўз ҳисоб рақами бўлишига эришаяпмиз. Қишлоқ мактабларининг эса ўзининг ер мулки бўлиши керак. Бу ерларда ўқитувчилар учун мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши лозим. Хуллас, мактабларнинг хусусий ҳисоб рақамларига тушган даромад жамоа манфаатларига хизмат қилиши лозим. Сиз Юнусобод туманида яшайсизми?

*— Йўқ, Мирзо Улуғбек туманида.*

— Демоқчиманки, яқинда вазирликда бу йўналишда яхши қадамлар қўяётган Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси кўриб чиқилди. Бу туман мактаблари бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишда шаҳарда биринчи ўринда туради. Нега Мирзо Улуғбек туманида шундай чора-тадбирларни кўриш мумкин эмас? Сиз ўз мактабингиз директори билан бу масалада гаплашиб кўринг, йўл-йўриқ изланглар. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ташкилот, ҳар бир инсон изланиб яшаши талаб этилади. Тўғри, эмасми?

*— Тўғри.*

— Сизларга муваффақият тилайман.

(Ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи масаласида таҳририятимиз орқали вазирга Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидан бир гуруҳ ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳам мурожаат қилишди. Ўйлаймизки, вазирнинг юқоридаги жавоблари уларга ҳам тааллуқли).

**Норбўта ЭГАМҚУЛОВ — Тошкент шаҳри, меҳнат фахрийси:**

*— Бизнинг маҳалладаги 110-мактабда дарслар тонг қоронғусида, соат 7.00 да бошланяпти. Сабаби, мактабга 1200 нафар ўқувчи ўрнига 3,5 минг ўқувчи қабул қилинган. Дарслар 3 босқичда олиб борилади.*

— 110-мактаб Тошкент зилзиласи даврида қурилган. У пайтда ўта маҳобатли қурилишлар расм-одат бўлган эди. Биз бу мактаб юкини енгиллатиш чораларини кўрамиз. Аслида эса, ҳар бир микроҳудудда ўқувчилари катта йўлларни кесиб ўтмайдиган мактаблар бўлиши лозим. Менимча, 110-мактабдаги аҳвол учун мактаб маъмурияти ҳам айбдор. Бу мактаб — ихтисослашган мактаб ҳисобланади. Сезишимча, ота-оналар ўз болаларини шу мактабга жойлаштириш учун мактаб раҳбарларини ҳол-жонига қўймай илтимос қилишаверади. Оқибатда, ҳар бир синфда 43-45 тадан бола тиқилишиб ўқийди.

Ҳозирги пайтда лойиҳалаштирилаётган, модул типидаги 9 йиллик умумтаълим мактабларга 800 нафардан кўп ўқувчи қабул қилинмайди. Синфларда кўпи билан 35 нафар ўқувчи бўлади.

**Наил МЕНЕЛБАЕВ:**

*— Мен Россия инновация компаниясининг вакилиман. Менда мактаблар учун лаборатория асбоб-ускуналари, микроскоплар, бошқа оптик қурилмалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона яратиш лойиҳаси бор эди.*

— Бу масала муҳим. Вазирликка келинг ва бизнинг мутахассислар билан ўз таклифларингизни муҳокама қилинг. Албатта келинг, кўришайлик.



**Жанна ГАВРИЛОВА — Тошкент шаҳри Сирғали тумани фуқароси:**

*— Мактабларда учинчи чорак 11 январдан, яъни шанба куни бошланди. Шу боисдан, айрим ота-оналар ўз болаларининг таътилини душанба кунигача узайтиришни маъқул кўришди. Сирғали тумани халқ таълими бўлими ходимлари эса худди шу куни мактабларда оммавий текширув ўтказишди. Синфлардаги ўқувчилари камроқ бўлган ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақини кесиб ташлаш тўғрисида таҳдид қилишди...*

— Ким бундай қарорни қабул қилган?

*— Гўё ўзингиз билмайдигандай, ҳурматли вазир? Тўлқин Аҳмедович-да.*

— Унинг бундай йўл тутиши асоссиз. Туман халқ таълими мудирига тегишли кўрсатма берилади.

*— Яна бир масала. Мактабга туман халқ таълими бўлимидан комиссия келади, истайсанми-йўқми, дастурхон тузаш учун 300-400 сўмдан йиғиш керак. Ойда бир марта бўлса, бошқа гап. Улар тез-тез келишади...*

— Нега пул йиғиш, дастурхон тузаш керак экан?

*— Билмадим, ҳурматлари учун бўлса керак-да.*

— Хуллас, бари ўзларингга боғлиқ. Биров пул йиғиш керак деса, ҳамён кавлайверишни бас қилинглар. Қатъий гапиринг: пул бермаймиз, вассалом. Мабодо, шундан кейин сизларни хафа қилишса, менга хабар қилинг. Телефон ўша-ўша.

Келишдикми?

*— Раҳмат!*

**Фёдор СЕРГЕЕВ:**

*— Рисбой Ҳайдаровичмисиз?*

— Эшитаман.

*— Ассалому алайкум, мен мактабда ўқийман.*

— Ваалайкум ассалом. Қайси синфда?

*— Ўн биринчида.*

— Яхши ўқияпсанми?

*— Ҳа.*

— Балли! Эшитаман, Фёдор?

*— Бизлардан мактабни таъмирлаш учун пул талаб қилишаяпти.*

— Ким? Ўқитувчиларми?

*— Ҳа.*

— Мана, чет давлатларда мактабларда Васийлик кенгаши бор. Масалан, мен — тадбиркор, бой одамман. Шундай экан, мактабга моддий ёрдам кўрсатишим мумкин. Тўғрими?

*— Тўғри.*

— Сен эса ундай эмассан. Пул берма. Биз эса керакли одамларга буни тайинлаб қўямиз. Сендан пул олишмайди. Сен ҳақингда маълумотлар бизда бор.

*— Улар, биласизми, нима дейишди?*

— Хўш?

*— Пул топширмасанг, мактабдан кетасан, дейишди.*

— Бундай қилишмайди. Хотиржам бўл. Вазир менга шундай деди дегин. Фақат яхши ўқи!

*— Раҳмат!*

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ — Хоразм вилояти:**

*— Мактаб кутубхоналарини республика ижтимоий-сиёсий газеталари билан таъминлаш учун ҳар йили уларнинг обунасига маблағ ажратилади. Нега Халқ таълими вазирлигининг жойларга жўнатган обуналар рўйхатида "Народное слово" газетаси кўринмайди?*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги қарорига биноан, ҳар бир қишлоқ мактабида маҳаллий бюджет ҳисобидан даврий нашрларга обуна уюштириш белгиланган. Худди шу қарорга асосан Халқ таълими ва Молия вазирликлари вилоят ҳокимликларига ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хат йўллади. Ушбу хатда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарига ҳам обуна ўтказиш сўралган.

**Татьяна НЕКРАСОВА — Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 48-мактаб директори:**

*— Халқ таълими тизимида "Мактаб — болалар боғчаси" андозасидаги таълим мажмуаларини яратиш бўйича иш олиб борилаяпти. Бундай мажмуалар ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги юқори замонавий даражада бўлишини таъминлайди, шу боисдан улар аҳоли ўртасида қизиқиш уйғотмоқда. Вазирлик таълим мажмуалари тармоғини ривожлантиришни режалаштиряптими? Бошқача йўналишдаги мажмуалар ҳам бунёд этилиши мумкинми?*

— Ҳозирги кунда "Мактаб — болалар боғчаси" андозасидаги таълим мажмуалари республикада 229 тага етди, уларда 25 минг нафар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар таълим тайёргарлигини олмоқдалар. Бундай мажмуалар тармоғи 2005 йилгача мўлжалланган махсус режа асосида ташкил этиб борилади. Фақат 2002 йилнинг ўзида 70 та ана шундай муассасалар фойдаланишга топширилди. Лекин биз фақат шундай мажмуаларни барпо этиш билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлисдаги маърузаларидан бирида мактабни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини, олий таълим ва илмий тадқиқот институтларини ўз ичига олган илмий-педагогик мажмуаларни бунёд этиш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири бўлишини таъкидлаб айтган эдилар.

Ўтган йиллар ва тўпланган тажрибалар бундай йўналишнинг долзарблигини яна бир марта равшан тасдиқлади. Меҳнат омилларини ривожлантириш бўйича олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун ўзида касб-ҳунар коллежини ва академик лицейни ҳамда бир неча турдош ихтисослашган мактабларни бирлаштирадиган таълим мажмуаларини яратиш зарурияти сезилмоқда. Бундай шароитда таълимнинг узлуксизлиги, ворисийлиги амалда таъминланади. Таълим муассасалари ўқувчиларнинг яшаш жойига яқин бўлиши ота-оналарни хотиржам қилишдан ташқари, академик лицейлар ва коллежлар қошида ётоқхоналарни камроқ қуриш имконияти туғилади. Бундан ташқари, оилаларнинг ўқувчилар билан боғлиқ сарф-харажатлари тежалади. Таълим мажмуаларини бунёд этиш ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари қурилиши ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ воситаларини ҳам сезиларли қисқартириш учун шароит яратади. Бунинг устига, бу мажмуаларда ҳозиргидан 1,5-2 баробар кўпроқ миқдордаги ўқувчилар қамраб олинади.

Республикада таълим мажмуаларини яратиш бўйича етарли тажриба тўпланди ва бу йўналишдаги ишларни ҳозирги кунда янги сифат даражаларига кўтаришимиз керак.

**Марҳабо ТОИРОВА — Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактаб директори:**

*— Ҳозирги пайтда ёш мутахассисларни мактабларга йўлланма билан жўнатиш нега тўхтатиб қўйилди?*

— Собиқ тузум даврида, чиндан ҳам, мутахассислар йўлланма асосида мактабга жўнатилар эди. Лекин бу мутахассиснинг ўша мактабга боришга хоҳиши борми-йўқми, бу инобатга олинмасди. Бугун ёшларга танлов эркинлиги берилган. Ва бу ҳуқуқ Конституцияда муҳрланган. Ёшлар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини қаерда юзага чиқара олиш имконияти бўлса, ўша ерга боришга ҳақлидирлар. Бунинг устига, бугун кўплаб ёшлар олий таълим муассасаларига шартнома тўловлари асосида кириб ўқишмоқда. Улар албатта, шартнома асосида, пул тўлаб ўқитган жойга бориб ишлашлари шарт.

Шунинг билан, бирга балким, бизлар ёшлар тарбиясида нималаргадир етарли эътибор бермаётгандирмиз. Масалан, ҳар бир ёш мутахассис ўзи туғилиб ўсган жойига чуқур муҳаббат билан боғланиши, ўз она муҳитини равнақ топтиришга ҳисса қўшишни қалб, виждон бурчи деб билиши керак. Худди шундай ҳис-туйғуни шакллантиришда таълим муассасалари билан бирга ёш мутахассисларнинг ота-оналари, маҳалла бошқарувларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Ёшларимиз жойларга ўзлари эгаллаган замонавий билимни, малакани, илғор технологияларни олиб боришлари лозим. Бу уларнинг Ватан олдидаги бурчи. Демак, ёшларнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ.

---

**Саломат ҒАФУРОВА — Тошкент, ўқитувчи:**

*— Вазирлик аълочи ўқувчилар учун экстерн усулда имтиҳонлар топширишга ўтишни режалаштиряптими?*

— Ҳозирги пайтда имтиҳонларни экстерн тартибида топшириш 1999 йилда вазирлик томонидан тасдиқланган вақтинча Низом асосида амалга оширилмоқда. Аммо ҳозирги талаблар асосида вазирлик томонидан янги лойиҳа тайёрланган. Экстернат ҳақида Низом матбуотда кенг муҳокама қилиш учун тавсия этилган. Қўшимчалар, таклифлар инобатга олиниб, бу Низом такомиллаштирилгач, тасдиқланади.

---

**Мэриэн БРОЙЛЕНД — Швеция, Стокгольм шаҳри, Таълим департаменти бошқарувчиси:**

*— Мени Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда Осиё Тараққиёт ва ривожланиш банки лойиҳаси доирасида халқаро консалтинг ва тренинг компаниялари иштирок этиши мумкинми, деган масала қизиқтираётган эди.*

— Сиз айтган лойиҳа, чиндан ҳам, тез орада амалга оширилади. Унда қатнашувчилар Республика ҳукумати ва Осиё Тараққиёт ва ривожланиш банки томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Маълумотлар ана шу банк маълумотлар базасида бор, улар билан танишиш мумкин.

(Худди шундай масала Янги Зеландиядан вазир Р.Ҳ.Жўраевга қўнғироқ қилган ТТТ бош вакили Шон Берриман жанобларини ҳам қизиқтиради.)

---

*Ҳисобот матнини М.САФАРОВ нашрга тайёрлади.*

*Тажриба-синов ишларининг бугунги аҳволи юзасидан шўъба иштирокчилари томонидан бир қанча илмий-амалий таклифлар илгари сурилди.*

# МУКАММАЛ ДАСТУР ВА ЭҲТИЁЖ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Орадан бир ой ўтгач, мазкур гуруҳ яна йиғилди. Унда муаллифлар томонидан тайёрланган янги узвийлаштирилган ўқув дастурлари бўйича таклифлар муҳокама қилинди ва уни такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ёз ойига келиб эса кўпгина муҳокамалардан сўнг учта таълим тури, 19 та фан бўйича 57 та намунавий дастур тайёр ҳолатга келди ва тақриздан ўтказилди. Шундан сўнг, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти мутахассислари томонидан мазкур намунавий дастурларни турли таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказиш таклифи илгари сурилди ва бу кўпчилик томонидан маъқулланди. Шу асосда тажриба-синовни мувофиқлаштирувчи Республика штаби тузилди. Шунингдек, ҳар бир таълим муассасасида тегишли фанлардан тажриба-синов ўтказишга масъул илмий раҳбарлар ҳам тайинланди. Уларга намунавий дастурларни қайта ишлаш учун амалий таклифлар тақдим қилиш вазифаси юклатилди. Дастлаб, тажриба-синов майдонлари, экспериментатор ўқитувчилар ва илмий раҳбарлар тасдиқланди. Синов майдонлари сифатида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Наманган вилоятларининг бир қанча таълим муассасалари белгиланди. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб эса учта таълим тури бўйича яратилган намунавий фан дастурлари тажриба-синов ишлари бошланди.

Мана, бу борадаги ишларнинг бошланганига ҳам ярим йилдан ошди ва шу боис олиб борилаётган ишларни таҳлил қилишга уриндик.

— Ўтказилаётган тажриба-синов жараёнларини самарали ташкил этиш учун бир қанча жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, — дейди биз билан суҳбат чоғида Қори-Ниёзий ЎзПФИТИ директори профессор А.Абдуқодиров — Биринчидан, тажриба-синовдан ўтказилаётган дастур ДТС талабларига жавоб бериши, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим дастурларида узвийлик таъминланиши, мавзулар мантиқан кетма-кетликда бўлиши лозим. Иккинчидан, дастурда ўқувчи ва талабаларнинг ўзлаштириши оғир бўлган мураккаб мавзулар, шунингдек, ёшлар психологиясига нисбатан содда (оддий) мавзулар ҳам бўлмаслиги зарур. Тушириб қолдирилган, заруриятсиз такрорланувчи мавзуларни аниқлаш ва уларнинг ўрнини тўлдириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, назарий ва амалий машғулотлар нисбати ва мутаносиблиги таъминланиши, фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиятга эришиш лозим. Дастурда янги педагогик технологияларни, ахборот технологияларини тадбиқ қилиш ва унинг талаблари тўла намоён бўлсагина, кўзланган мақсадга эришилади.

***— Ўтказилаётган тажриба-синов ишлари қай тариқа ташкил этилмоқда?***

— Тажриба-синов ўтказиш жараёнини умумий ўрта таълим мактаблари мисолида қай тариқа ташкил этилаётганлигини изоҳлаш мумкин. Дастур синов майдони сифатида белгиланган мактабда параллел синф (гуруҳ)ларнинг бирида, яъни “тажриба-синов синфи”да тегишли фандан узвийлашган намунавий дастур асосида ўқитилади. Параллел синфларнинг иккинчисида, яъни “назорат синфи”да эса амалдаги дастур асосида ўқувчиларга таълим берилади. Шуни унутмаслик лозимки, иккала синфда ҳам битта экспериментатор ўқитувчи дарс бериши ва ҳар бир мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини махсус дафтарга доимий равишда қайд этиб бориши керак. Ушбу қайдлар тажриба-синов ишларининг якуний натижалари сифатида белгиланган жадвалда умумий хулосалар сифатида ҳам ўз аксини топади. Ҳар бир чорак давомида ўқувчилар томонидан ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини аниқловчи 100 баллик тизим асосидаги оралиқ назоратлари (тест синови, ёзма иш ва бошқалар) ўтказилади. Назорат ишида ҳар бир мавзудан бир ёки бир неча саволлар бўлиши зарур. Имтиҳон натижалари асосида ўқувчиларнинг масалани ҳал қилиш даражаси, доираси ва мавзунинг қай даражада англашилганлиги акс этади.. Ҳар бир мавзудан ўқувчининг тўплаган бали махсус дафтарга қайд этилади ва натижалари турли мутахассислар томонидан ҳам ўрганилади.

Чорак якунида экспериментатор ўқитувчининг ўтилган мавзулар бўйича умумий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари махсус жадвал асосида қайд этилади. Сўнг таълим муассасасининг муҳри босилган ҳолда республика штабига тақдим этилади.

Чорак бўйича тажриба-синов ишлари юзасидан маълумотномани тайёрлашда тегишли фан бўйича синов ишларига илмий раҳбар этиб тайинланган масъул олим — экспериментатор томонидан тайёрланган синов натижалари ҳам таҳлил қилинади. Илмий раҳбар тажриба-синовнинг бориши, ўқув дастурининг узлуксизлиги ва узвийлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён қилади, уни изоҳлайди. Маълумотнома ҳам тажриба-синов ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи Республика штаби (Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти) га тақдим қилинади.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир фан бўйича бир вақтнинг ўзида умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида тажрибалар олиб борилмоқда. Бу дастурлар бўйича шуғулланаётган турли тизим ўқитувчиларнинг жамланган ҳолда иш олиб бориши, мукаммал дастурлар яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

***— Маълумки, тажриба синов жараёнлари қуруқ қоғоздаги маълумотномалар билан чегараланмайди. Ушбу масалага бағишлаб ўтказилаётган турли анжуманларда асосан қандай масалалар муҳокама қилинмоқда?***

— Синов жараёнида, яъни икки чорак ва бир семестр якунида гуруҳ аъзолари йиғилиб, тажриба-синов натижаларига кўра айрим масалаларда ўзаро кенгашиб олади. Йиғилишларда муаллифлар жамоасига ҳар бир дастурни синчиклаб ўрганиш, унинг кўз илғамас жиҳатларига танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ёндашиш лозимлиги бот-бот уқтирилмоқда. Шунингдек, анжуманлар давомида мавжуд муаммолар ҳам батафсил муҳокама қилинмоқда. Чунончи, шу йил аввалида ўтказилган йиғилиш давомида умумтаълим муассасаларида дастур тажриба-синов жараёнларига салбий таъсир кўрсатаётган объектив омиллар таъкидланди. Жумладан, мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилиши, уларнинг уй юмушлари билан чалғиши фан дастурларини ўз вақтида, мукаммал ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур семинарда тажриба-синов жараёнларида бевосита иштирок этаётган амалиётчи-педагоглар, дастур муаллифлари ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан дастлабки тавсияларни ишлаб чиқдилар ҳамда иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдилар. Семинар тўрт гуруҳ — гуманитар, ижтимоий, физика-математика ва табиий фанлар шўъбаларига бўлинган ҳолда ўтказилганлиги ҳам дастурларни турли фанлар юзасидан чуқур ва самарали таҳлил қилишга имкон яратди.

Тажриба-синов ишларининг бугунги аҳволи юзасидан шўъба иштирокчилари томонидан бир қанча илмий-амалий таклифлар илгари сурилди. Чунончи, география, рус тили, хорижий тиллар ва жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш учун мўлжалланган янги ўқув дастурларида айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Рус тили фани бўйича яратилган ўқув дастурларини тадбиқ қилишда баъзи таълим муассасаларида эътиборсизлик билан қаралмоқда. Шунингдек, хорижий тилларни ўқитишда ҳам бир неча йилдан буён бирёқламаликка, яъни чет тили грамматикасини мукаммал ўзлаштирган ҳолда, нутқда ундан фойдалана билмаслик ҳолатлари рўй бермоқда.

География фани бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқувчилари учун “Иқтисодий география” курси бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари тасдиқланган бўлсада, бироқ сўнгги 2 йил мобайнида ушбу таълим муассасаларида ҳамон “Амалий география” ўқитилмоқда. Шу билан бирга, ўрта махсус касб-ҳунартаълими муассасалари учун янги интегратив география ўқитиш курсини яратиш лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда тажриба-синов жараёнида иштирок этаётган муаллифларни узвийлаштирилган дастурлар мукаммал даражага келтирилгач, янги дарсликлар яратиш ишига жалб этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, дастурларни янада мукаммаллаштиришда ягона мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилиниши, ҳар бир фан бўйича дастурлар яратаётган муаллифлар алоҳида йиғилиш ўтказишлари лозимлиги таклиф қилинди.

**Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

*Алалхусус, Санобар Хўжамуродованинг дарс ўтиш усули кўпчиликка маъқул бўлди.*

# НЕГА ДАРСГА ЮҚОРИ БАҲО ҚЎЙИЛДИ?

## Bir soatlik dars

*Амалдаги дастурга кўра, умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфида улуғ шоир Ғафур Ғуломнинг “Соғиниш” шеърини ўрганишга бир соат вақт ажратилган. Мавзуни ўзига хос тарзда ўтиш учун эса ҳар бир муаллимдан айрича маҳорат, салоҳият, айрича шижоат, билимдонлик талаб этилади.*

*Хўш, “Йил ўқитувчиси — 2002” республика кўрик-танлови иштирокчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Санобар Хўжамуродова мустақил ҳаёт остонасида турган Миробод туманидаги 110-мактабнинг 11-“Е” синф ўқувчилари онгига “Соғиниш” шеъри моҳиятини сингдиришни нечоғлик уддалади? Жараёнда қандай янги педагогик технология, усул ва услублардан фойдаланди? У очиқ дарсни ҳакамлар ҳайъати аъзолари кутганидек, маромига етказиб ўта олдими?*

*Сирасини айтганда, Санобар Хўжамуродова очиқ дарсини ноанъанавий тарзда бошлади. Муаллима саломлашиб, йўқлама қилгач, ўқувчиларни дарсга руҳий жиҳатдан ҳозирлади. Сўнгра ўтилган мавзу юзасидан берилган топшириқларни ўғил-қизлар нечоғлик ўзлаштирганликларини аниқлашга киришди. Уларни янада фаоллаштириш мақсадида “Билимдонлар баҳси”ни ташкил этди, уларга бир сидра саволлар билан мурожаат қилди. Баҳсда ўртага ташланган шоирнинг илк шеъри қачон ёзилган ва у нима деб номланади? Ушбу парча шоирнинг қайси асаридан олинган:*

***“Бир бор экан, бир йўқ экан шу замонда,***
***Маманиёз бўлган экан Чуст томонда.***
***Ўзи диндор, бир таноб-ча ери ҳам бор,***
***Ўртасидан кўп айқириб сувлар оқар.”***

*Тақвим (календарь) шеърлар ҳақида нималар дея оласиз?, Ғафур Ғуломнинг насрий асарларини сананг. “Нетай” асари қандай мавзуда ёзилган, — каби саволларга зукколик билан жавоб қайтарган ўқувчилар баллар асосида баҳоланди. Қўйилган баллар асосида баҳс-мунозара ғолиблари аниқланди. Ўқувчилардан Олимжон Алимов, Насриддин Толипов, Фарҳод Жабборовлар “Энг ҳозиржавоб ўқувчи”, “Энг зукко ўқувчи”, “Энг фаол ўқувчи” номинациясига эга бўлишди.*

*Янги мавзу — “Соғиниш” шеъри таҳлилида ҳам ўқувчилар суст тингловчи эмас, фаол иштирокчилар бўлишди. Улар уруш йилларидаги воқеликни, II жаҳон уруши даври қийинчиликларини бошидан кечирган Ғафур Ғуломнинг уруш даврида ёзган шеърлари орқали ёрқин тасаввур қилишларини айтишди. Муаллима эса, уруш даврида Ғафур Ғулом томонидан яратилган “Қиш”, “Кузатиш”, “Сен етим эмассан”, “Биз енгамиз”, “Халқ отланди”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” каби ажойиб шеърлар моҳиятига атрофлича тўхталди. Дарҳақиқат, бу шеърлар бадиий жиҳатдан теран бўлиб, уларда Ватанни ҳимоя қилиш, миллат ва халқ келажаги учун кураш, ғалабага бўлган комил ишонч ғоялари илгари сурилади.*

*Айтиш жоизки, ғалабага осонликча эришилмаган. Халқ не-не машаққатлар, қийинчилигу азоблар, айрилиғу йўқотишларни бошидан кечирган. Ғафур Ғуломнинг “Соғиниш” шеърида инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ғояси улуғланади. Шеър:*



***Зўр карвон йўлида етим бўтадек,***
***Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.***
***Энг кичик заррадан Юпитергача***
***Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш —***

*мисралари билан бошланади. Шеър асосида ҳаётий ҳақиқат — фарзандини урушга жўнатган отанинг руҳий изтироблари ётади. Шоирнинг лирик қаҳрамони фарзандларини фронтга жўнатиб, уларни интизор кутаётган минглаб оталарнинг соғинчини, ота-онанинг фарзандига чексиз муҳаббатини ифодалаб беради.*

*Шеърнинг лирик қаҳрамони — Ота ўғлининг урушдан омон қайтишига, ғалаба кунларининг яқинлигига ишонади. Ҳатто дарахт куртаги — ишонч белгиси, кўчатлар — фарзанди қомати, тонг сабоси — ўғлининг нафаси каби туюлади. Лекин ўғил томоша ёки сайрга эмас, урушга кетган. Уруш — уруш-да, бу ерда отанинг ҳар қандай хавотири ўринли:*

***Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам,***
***Қўмсайман бировни — аллакимимни.***
***Доимо умидим бардам бўлса ҳам,***
***Баъзан васвасалар босар дилимни.***

*Лирик қаҳрамон оҳ-воҳ қилмасдан, мутолаа билан машғул бўлади. Бедил ўқиётган отанинг кўнгли тонгда чиқиб келаётган офтобдан ёришади, у гул пайвандлайди, унда ғалабага бўлган ишонч тобора ортади:*

***Сизларни келди деб эшитган куни***
***Ўзинг тўқиб кетган катта саватда***
***Тўлдириб шафтоли узиб чиқаман,***
***Ғалаба кунлари яқин, албатта.***

*Мана шу каби соғинч ва умид алангалари ғалабага ишонч бағишлади, фарзандлар юрагини иситиб, йўлини ёритиб турди. Демак, бу асар инсонни инсонга меҳрли бўлишига, қадр-қиммат ва оқибат масалаларини чуқур идрок этишга, ҳаётнинг машаққатли ва оғир дамларида мустаҳкам иродали бўлиш, тушкунликка тушмаслик, адолат ва ҳақиқат йўлида катта умид ва ишончлар билан яшашга, курашишга чорлаши билан аҳамиятлидир.*

*Муаллима “Соғиниш” шеърини таҳлил қилар экан, жараёнда шоирнинг “Қиш”, “Кузатиш”, “Сен етим эмассан” каби шеърларини мавзуга усталик билан боғлаб ўтди. Бу усул ҳар бир ўқувчида урушга нафрат уйғотиб, уларни тинчлик-осойишталикни қадрлашга ундади, десак муболаға бўлмайди. Дарс якунида мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга тест саволлари тарқатилди ва уларга қисқа фурсатларда ёзма жавоб олинди. Тест саволлари жавобларини муаллиманинг ўзи тез-тез шарҳлади.*

*Дарс ниҳоясига етганидан кейин инсоннинг инсонга меҳр-муҳаббати, эзгулик, инсонпарварлик, иродалилик каби фазилатларни улуғлаган Ғафур Ғуломнинг “Соғиниш” шеърини ёд олиш ўқувчиларга уй вазифаси қилиб берилди.*

*Алалхусус, Санобар Хўжамуродованинг дарс ўтиш усули кўпчиликка маъқул бўлди. Даставвал. у ўқувчиларни дарсга ҳозирлади. Жараёнда эса ўғил-қизлар ўртасида баҳс-мунозара уюштирди. Кўрсатмалилик, техник воситалардан фойдаланди, синфхонадагиларга Ғафур Ғулом овози ёзилган тасмани қўйиб берди, ўқувчиларга тест саволлари тарқатди. Асосийси, “Соғиниш” шеърининг замирида инсонпарварлик ғояси ётганини ёрқин очиб бера олди.*

*— Муаллима вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида тест саволлари жавобларини ўзи шарҳлади, — деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, РТМ услубчиси Комила Усмонова. — Менинг назаримда, тестларни ўқувчиларнинг ўзларига шарҳлатиш зарур эди.*

*Дарҳақиқат, ижодкор ўқитувчи ана шу жиҳатга эътибор қилганида танловнинг асосий шарти бўлмиш дарсда энг юқори баллни олган бўлур эди. Барибир, ҳакамлар муаллиманинг Ғафур Ғулом қаламига мансуб “Соғиниш”, “Қиш”, “Сен етим эмассан”, “Биз енгамиз” каби кўплаб шеърларини ёд айтгани, ушбу шеърларни дарсга моҳирлик билан боғлагани, ижодкорлигини, дарсдан кўзланган мақсад — ўқувчиларни миллий анъана, урф-одатларимизга содиқлик, меҳр шафқат ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга эриша олганини инобатга олиб, унинг очиқ дарсини юқори (36,8 балл) баҳолади.*

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

**Суратларда: очиқ дарс жараёнидан лавҳалар. Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

# ЎЗИГА ЧОРЛОВЧИ ДИЁР

*Бирор бир давлат билан ҳамдўстлик алоқалари ўрнатилганда энг аввало, сиёсий, иқтисодий, таълимий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилади. Бунинг амалдаги аксини пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий драма театрида бўлиб ўтган Ҳиндистон мустақиллигига 54 йил тўлганлигини нишонлаш кечасида кўрдик. Мазкур тадбирни Ҳиндистон маданий маркази директори Жозеф Лобо очиб бергач, шу давлатнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва Мухтор элчиси Шарат Фабхарвал йиғилганларни ушбу муборак сана билан қутлади. Байрам даврасини турли миллат вакиллари ташкил қилиб, уларнинг эътиборига дилларни хушнуд қилувчи ҳинд миллий рақс ва ашулалари ҳавола этилди. Айниқса, Бухоро вилоятининг “Тожмаҳал” гуруҳи тайёрлаб келган ҳиндча дастур барчанинг диққатига сазовор бўлди. Бу ҳақдаги фикрларини Смита Сваж хоним шундай баён қилди:*

*— Бу ерда мен Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкам эканлигига яққол гувоҳ бўлдим. Ҳозир биз ҳиндистонликлар ўзимизни нафақат улуғ сана, балки, дўстлик байрамини нишонлагандек ҳис этдик. Менимча, бу ўзбек халқининг ҳинд халқига билдираётган юксак эҳтироми, ишончи ва ҳурмати баланд эканлигидан далолат беради.*

*Дарҳақиқат, халқимизнинг Ҳиндистон борасидаги қизиқишлари жуда катта. Бу сеҳрли диёр бизни янада уни билишга, ўрганишга ундайди. Бунинг учун эса етарлича шароитлар бор. Хусусан, Ҳинд маданий Маркази нафақат олий ўқув юрти талабалари балки, мактаб ўқувчиларига ҳам ҳинд миллий рақсларини ўргатиш ва инглиз тили, ҳинд тили, ҳиндшунослик, йога тўгаракларини бепул ташкил этган. Шунингдек, Марказда мунтазам равишда интеллектуал викториналар ва тадбирлар ўтказилиб турилади. Шунинг учун марказга ҳозирги кунда минглаб турли миллат вакиллари мунтазам қатнашадилар. Хуллас, марказга ташриф буюрган ҳар бир инсон ўзининг Ҳиндистон борасидаги барча қизиқишларига жавоб топади. Айни шу аснода Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институти талабалари ўртасида Ҳиндистонни ўрганиш бўйича ўтказилган кўрик-танловни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Унда талабалар ҳинд халқининг тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари тўғрисидаги саволларга жавоб бериб, саҳна кўринишларини кўрсатишди. Ва албатта, ҳар бир навбат ашула ва рақсларсиз ўтмади. Якуний натижаларга кўра эса ЎзДЖТУ талабаларининг Ҳиндистон борасидаги билимлари юқорилиги аниқланиб, шу гуруҳдаги 3 нафар талаба Ҳиндистонда ўқиш учун йўлланмани қўлга киритди.*

**Севара ЎРИНОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# МЕҲРТАЛАБ БОЛАЛАР ЖАҲОН БАНКИ ЭЪТИБОРИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мана шу сабаб, жорий йилда банкимиз томонидан ҳажми унчалик катта бўлмаган, яъни йигирма минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиб, у ҳозирча Тошкент ва Чирчиқ шаҳри меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда эътиборсиз қолган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш мақсадларига йўналтирилади. Бугунги давра суҳбати иштирокчилари жамиятимиздаги ана шундай болалар тақдири ҳақида, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашсалар, бу йўналишда амалий таклифларини берсалар, албатта, бизнинг келгусида лойиҳа доирасида амалга оширилиши зарур вазифаларни олдиндан белгилаб олишимизга яқиндан ёрдам берган бўлардилар.

Дарҳақиқат, шу куни давра суҳбатида қатнашган Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова, Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси Севара Зупархўжаева, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, ички ишлар бош бошқармаси вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Маҳалла” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари, халқаро “Болаларни қутқаринг” жамғармаси, Жаҳон Банки, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мутасаддилари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети социология кафедралари мутахассис-олимлари, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги қатор меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қизғин мулоқотга киришиб кетишди.

Хусусан, лойиҳада кўзда тутилган меҳр талаб болаларга, айниқса, ота-онаси йўқ етим болаларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва уларни ҳимоя қилиш, ана шундай тоифадаги болаларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича махсус тренинглар ўтказиш, уларнинг кундалик ҳаётда зарур бўлган асосий кўникмаларини ривожлантириш бўйича махсус клублар ва марказлар ташкил қилиш, ўзини таҳқирланган деб биладиган етим болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувида ҳамда мустақил ҳаётларида бирор бир ишга жойлашувида яқиндан кўмаклашиш мақсадида ижтимоий ва педагогик ёрдам кўрсатиш, бундай болалар ҳаёти тўғрисида атрофлича ахборотлар йиғиш ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ишонч телефонларини ташкил этиш асносида уларнинг муаммоларидан бохабар бўлиш, болаларнинг ана шундай қийин тоифалари билан ишлашда бевосита кўмак берадиган маълумотлар билан ўзаро алмашиш ҳамда мавжуд ахборотларни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва маҳаллий ҳамжамиятлар тармоғини ташкил этиш вазифаларидан ташқари, давра суҳбати иштирокчилари томонидан ҳам қатор амалий таклифлар билдирилди.

Давра суҳбати ташкилотчилари бу таклиф ва мулоҳазалар “Меҳр талаб болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш борасида, албатта, инобатга олинажаклигини таъкидлашди.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**“Ма`rifat” мухбири**

# МУАЛЛИМ — КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР

**Ҳабиба Алимова пойтахтимиздаги 241-мактабда қирқ йилдан кўпроқ давр мобайнида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Муаллиманинг узоқ йиллик фаолияти давомида эришган ютуқлари, кейинги йилларда таълим ислоҳотлари жараёнидаги фаол иштирок муносиб тақдирланиб, 2002 йилда “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси” унвонига сазовор бўлди.**

**— Барча касбларнинг ҳам ўзига яраша машаққати, унинг ортидан келадиган ҳузур-ҳаловати бўлади, — дейди Ҳабиба Алимова. — Лекин келажагимизнинг эгаси, эртанги кунимиз давомчиси бўлмиш жажжи болакай қўлига илк бора қалам тутиш, хат-саводини чиқариб маърифат зиёсидан баҳраманд этиш ниҳоятда маъсулиятли юмуш. У аввало, бировнинг фарзанди, қолаверса, ота-боболаримиз умргузаронлик қилган юрт эртаси. Биз мураббийлар ҳар бир дарсга қўнғироқ чалинганда, синф хонаси остонасидан ҳатлаб ўтаётганимизда доимо ана шундай масъулият юки бўйнимизда эканини кўнгилдан ўтказамиз. Ниҳол мисоли парваришлаб улғайтирган шогирдларимиз ҳаётдан муносиб ўрин топиши, элу-юрт корига ярайдиган инсон бўлиши учун қилиниши лозим бўлган вазифаларни ёдда тутамиз.**

**Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳабиба Алимова ана шундай бағрикенг, ўз касбининг фидойиси бўлгани учун фаолиятининг асосий даврида тажриба-синов синфлари ўқув дастурини муваффақиятли амалга татбиқ этмоқда. У давлат таълим стандартлари бўйича аниқ иш олиб боради. Муаллиманнинг лотин ёзувини ўрганиш, ҳуснихатга бағишланган қўлланмалари кенг миқёсда қўлланилмоқда. Ундан сабоқ олган ёшлар бугунги кунда турли жабҳаларда, жумладан, муаллиманинг ўзи хизмат қилаётган мактабда ҳам фаол меҳнат қилишмоқда.**

**Яқинда мазкур мактабнинг 1-„А" синф ўқувчилари “Саводхонлик байрами”ни нишонлашди. Устозлари Ҳабиба Алимова раҳбарлигида олган билими ва маҳоратини ота-оналари, яқинлари, жамоатчилик олдида намойиш этишди. Хат-савод чиқаришда яқин кўмакчиси бўлган муаллималарига дилларида уйғонган ниятларини билдиришди. Муаллима, бундай ҳаяжонли дақиқаларни ҳаётида кўп бор кечирган бўлса-да, барчаси янгидан бошланаётгандек кўзлари ёшланиб, жажжи шогирдларига дунёдаги барча яхшиликлар ҳамроҳ бўлишини тилади.**

**Улуғларимиз таърифлаганидек, минг ганж билан бир ҳарф ўргатиш йўлидаги хизмати ҳаққини адо қилиб бўлмайдиган устознинг орзу-ниятлари бисёр. Шуларнинг ичида энг муҳими эса шогирдлари камолини кўриш. Ниҳол мисоли парваришлаган дилбандлари келажакда устозлар орзу-ниятига муносиб инсон бўлиб етишса, улар сайъ-ҳаракати билан кимнингдир юки енгил бўлса, шунда муаллим кўнгил таскин топади.**

*Баҳор ХИДИРОВА*

*Интеграцияга асосланган мужассамлашган дарслар — фанлараро алоқадорликни қўллашда буюк даҳоларимиз мероси қўл келади. Зеро, буюк даҳолар Қуёш бўлсалар, унинг нурини ўзида акс эттиргувчи устоз ёшлар қалбини ёритгувчидир.*

*Автобуснинг охирида ўтириб, улар бутун бор овозлари билан бир-бирларини сўкиб гапиришарди, танбеҳ берган катталарга эса "уйга бориб, хўжайинчилик қилинг, отец!" деб жеркиб ташлашарди.*

**Tuyg'u**

# САЖДАГОҲИМ МЕНИНГ

Ҳар гал "Ватан" деган табаррук сўзни тилга олар эканман, қалбимни нафис туйғулар чулғаб олади. Бу муқаддас сўзнинг ҳар бир ҳарфи бир олам меҳр бўлиб, етмиш икки томиримдаги иссиқ қон бўлиб жисмимга сингиб бораверади.

Ватан туйғуси ҳақида бирор марта ўйлаб кўрмаган чўпон ҳар гал қадрдон яйловини, янтоқлардаги шудрингнинг эндигина чиқаётган қуёш нурларида титраётганини кўрганида, шу гўзалликни яна кўриш насиб этгани учун Оллоҳга шукрона айтади. Ана шу шукронанинг ўзи Ватанга муҳаббат эмасми?

Аслида Ватан нима? Нима учун унга шарафлар айтамиз? Нега энди айнан Ватанни онага қиёслаймиз? Ватан қаердан бошланади ўзи? Онанинг чиройли-хунуги бўлмаганидек, Ватаннинг ҳам яхши-ёмони бўлмайди. Инсон учун кўз очиб кўрган диёри ҳаммадан гўзал.

Ватан остонадан бошланади дейдилар. Менимча, Ватан қалбдан бошланади. Нафақат инсон, балки тирик мавжудотларнинг барчаси ҳам бир мўъжаз Ватанда яшайди.

Ким айта олади, юраксиз яшай оламан, деб. Мен Ватанни қалбимда кашф этдим. Мен илк бора дунёга келиб Она деб аталмиш энг улуғ, Ватанимни кўрдим. Оппоқ сут ила Ватан меҳри қалбимга жо бўлди. Улғайиб, Ватаннинг нақадар кенглигига амин бўлдим. Ота-онам, опа-синглим, ака-укаларим—оилам, кексаю ёш жам бўладиган маҳаллам, бир неча маҳаллаларни ташкил қилувчи она шаҳрим Нурота, тупроғи зар вилоятим — Навоий, мустақиллик насими ила йўғрилган Ўзбекистоним — менинг ватаним эканини англадим.

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, деган эканлар Қодирий. Шу сабабли тарихимизга эмас, яқин ўтмишга бир назар ташлаймиз. Халқимизнинг соддадиллиги, меҳри, саботи элатларни ҳайратда қолдирган. Халқимиз озодлик ва ҳурлик тушунчаларини неча йиллар қалбида сақлаб келган. Халқим қанча оғир дамларни бошидан кечирмади. 30-йиллар ўрталарида халқимиз устига ёпирилиб келган қора булутлар элимиз бошига не-не кунларни солмади. Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари ёзувчиларимизни халқ душмани сифатида қатл этдилар. Юқоридан келган буйруқлар асосида ўзларини бойитганлар сенинг машаққатли меҳнатинг кучидан ёвузларча фойдаланган инсофсизлар "Ўзбеклар иши" — деб дунёга жар солиб, сенинг юзингга қора балчиқ суртмоқчи бўлдилар. Лекин Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, ҳақ жойида қарор топди.

1 сентябр! Ўзбекистон йилномасининг тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан кирган бу қутлуғ сана ўтган кундан гўзал, ҳар галгидан мунаввар, бахтли. Боиси, халқимнинг асрий армонлари ушалиб, пинҳон дарди даво топди — мустақиллик эълон қилинди. Бу ҳурликдан шодланган эл шоирлари унга қутлуғ қасидалар битдилар.

***Дилором АБДУЛЛАЕВА,***
***Республика Нафис санъат лицейи 9"А"-синф ўқувчиси***

# САЛОМАТЛИК "СОҲИЛИ"

**Халқ саломатлигини тиклашда одатий касалхоналардан ташқари дам олиш масканлари, санатория ва профилакториялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади.**

**Мухбиримиз яқинда Қарши шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси курортлар бошқармасига қарашли "Қашқадарё соҳили" санаториясида бўлиб, дам олувчи ва даволанувчиларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиб қайтди.**

**"Қашқадарё соҳили" санаторияси Қашқадарёнинг сўлим бир соҳилида жойлашган. 90 нафар дам олиш ўринга мўлжалланган бу хушҳаво масканнинг ҳавоси тоза. Барча хоналар, заллар ва бурчаклар шинам жиҳозланган, дид билан безатилган. Маданият ва маърифат саройи, шахмат-шашка, стол тенниси, фитобар хоналари ва 120 ўринли ошхона дам олувчиларга хизмат кўрсатаяпти. Замонавий услубда жиҳозланган кутубхона хизматидан дам олувчилар мамнун.**

**— Даволаш омилларимизга иқлимимиз ва кам минераллашган ишқорий натрий гидрокарбонатли сувимиз киради, — дейди санатория бош шифокори Акромжон Акбаров суҳбат жараёнида. Сиҳатгоҳимизда ҳазм органлари, ҳаракат органлари ва яна гинекологик ҳамда неврологик хасталикларга чалинган беморлар ўз саломатликларини тиклайдилар. Булардан ташқари нафас олиш ва сийдик ажратиш органлари хасталанган ва яна эндокринологик касалликларга чалинганларга ҳам ёрдам кўрсатилади.**

**Жаҳон тиббиётининг илғор усуллари қўлланилаяпти. Беморларни компьютерли ультра товушлар ёрдамида текшириш, компьютерли кардиография, колонофиброскопия, рентгенокосопия ва психотерапия усулларида ташхис қўйиш ва даволаш ана шулар жумласидандир.**

**— Физиотерапия бўлимимизда 19 усулдаги даволашни йўлга қўйдик, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича муовини Икром Раҳимов. — Умумий қилиб айтадиган бўлсак, айни кунда "Соҳил"имизда даволашда 34 турдаги тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланаяпмиз. Айтайлик гастрофиброскоп, бронкоскоп, лолонфиброскоп каби аппаратларимиз Япониядан келтирилган, бошқалари Россия ва Украина давлатларидан олиб келинган. Улар беморларга аниқ ташхис қўйишда қулай ва мутлақо янгича усулларда даволаш иконииятларини яратган.**

**138 кишидан иборат бу жамоанинг 50 нафарини тиббий ходимлар ташкил этади.**

**Тўлқин Раҳмонов Ҳазрат Мавлиев, Норбуви Анварова, Раъно Аралова, Бегим Номозов, Ҳусниддин Нормуродов, Озода Худойбердиева, Феруза Муродова, Шаҳло Ҳамроева, Розияхон Худойбердиева, Ўткирхон Муҳаммадиев ва Сайфилло Ҳайитов каби фидойи шифокорлар жамоанинг фидойи инсонлари ҳисобланади.**

**Биз санаторияда бўлган кунимиз кўплаб дам олувчи ва даволанувчилар билан суҳбатлашдик.**

**— Жуда яхши дам олаяпман ва асабларимни даволатаяпман, — дейди Яккабоғлик муаллим Жонқувват ака Маматов — "Соҳил"даги шарт-шароит менга ёқди. Даволаниш учун барча имкониятлар яратилган. Овқатлари мазали ва тўйимли. Газета-журнал, китоб ўқиш имкониятига эгамиз. Ҳар куни концерт, давра суҳбатлари ўтказилади. Мени шифокор Тўлқин Раҳмонов "Игна қадаш" усулида даволади. Бошимдаги оғриқлар йўқолди. Ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман.**

**— "Соҳил"га ҳар йили бир марта келаман, — дейди чироқчилик кекса муаллим, меҳнат фахрийси Усмон бобо Ҳамроев дам олиш билан бир вақтда юрагимни ва асабларимни даволатиб кетаман.**

**Биз, "Қашқадарё соҳили"да дам олувчи ва даволанувчиларга яратилган шарт-шароитларни ўрганар эканмиз, ҳамсуҳбатларимизнинг айтган фикрларига тўлиқ қўшилдик.**

***Абували ОБИДДИН,***
***"Маърифат" мухбири***

# ЭРТАКЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Республика Дўстлик жамиятлари кенгашида "Буюк ипак йўли —дўстлик йўли" дастури асосида эртаклар фестивали ўтказилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, турли миллат ва халқларнинг халқ оғзаки ижоди дурдонлари ҳисобланмиш эртаклар орқали дунё болалари ўртасида дўстликни ривожлантиришдир, — деди "Камолот-Қонун" ҳуқуқий марказининг директори Юлдуз Қурбонова. — Шунингдек, болалар ғаройиб эртаклар орқали ўша халқ ижоди, орзу-истаклари, халқ қаҳрамонлари билан яқиндан танишади.

Эртаклар болаларни Ватанга, оиласига, табиатга, ҳайвонларга меҳрли бўлишга ундайди. Мазкур фестивалда вазирликлар, дипломатик корпус ва маданият марказлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

***"Туркистон-пресс"***

**Fikr**

# МАҲАЛЛАМ КИЧИК ВАТАНИМ

***Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Шундай экан, маҳалланинг озодалигию, унинг обод бўлишига ҳисса қўшиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир.***

***2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши эзгу ишларимизга, яъни ўтган йилдаги қарияларимизга бўлган ҳурмат-эътиборни давом эттириш, уларга янада эътиборлироқ бўлмоғимиз, уларнинг қадр-қимматини янада юксакларга кўтармоғимиз керак деганидир. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаларини, миллий урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримизни ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этишимиз лозим.***

***Қариси бор уй файзли бўлганидек, ҳар бир маҳалланинг қариси бўлса ўша маҳалланинг фарзандлари ҳам одобли, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлади.***

***Биз "Обод маҳалла йили"да нафақат маҳаллаларимиз, балки шу ерда яшовчи ҳар бир оиланинг тинч-тотувлиги, фарзандларимиз баркамол, соғлом, мустақил ватанимизга муносиб бўлиб камолга етишларига доимо ҳаракат қилишимиз керак.***

## ҚАЙСИ МАҲАЛЛАДАНСИЗ?

*Одатда олдин бир-бири билан сўрашиб-танишмоқчи бўлсалар, қайси маҳалладансиз, деб мурожаат қилишади. Ёки келин излаб юрган совчилар ҳам албатта маҳалласига бориб ўша ернинг улуғ одамидан қизнинг оиласи ҳақида, ота-онаси тўғрисида, бу хонадоннинг маҳалладаги кишиларга, қўшниларга муносабати хусусида суриштиради.*

*Ҳозирги кунда автобусда ёш-ёш қизларнинг, йигитларнинг муомалалари, атрофида ўтирган йўловчиларни гўёки кўрмаётгандек кулишлари кишини ташвишга қўяди.*

*Мана бир мисол. "Сиз қаерда ўқийсиз?" деб сўради замонавий кийинган қиз. "Коллежда" жавоб берди иккинчиси. "Коллежда" деган жавоб эшитилгач иккаласи пичирлашиб кетишди. Демак, шу танишгани экан. Ҳали она сути оғзидан кетмаган қизлар автобуснинг орқа ўриндиғига ўтириб олишди, атрофда турган анча ёшга бориб қолган эркагу аёллар эса тик оёқда туришди. Буларга жой бўшатиш қизларнинг хаёлига ҳам келмайди. Аксинча шанғиллаб гаплашадилар.*

*—Мани бир йигит яхши кўриб қолди, ҳар куни ўқишимга бориб пойлаб туради. Кейин бирга кетамиз, — деб шарақлаб кулади.*

*Йўловчилар эшитиб, қараб-қараб қўяди.*

*—Ану куни уйга кеч бордим, ойим мунча кеч қолдинг дегандила, "Тест" савол ёздик деб алдадим, — дейди иккинчиси.*

*Бояги қиз яна гап бошлади: — Мен ўзимнинг "Тико" машинамда боргандим, йўлда балон ёрилиб қолса денг. Ҳеч нимани билмайман, ўша жойда туравердим, кейин бир савлатли йигит келиб қарашиб юборди.*

*— Уйланган эканми?*

*— Ҳа иккита боласи бор экан, аммо ўзи "ничево", ёшга ўхшайди, шунча одам тўхтамай у тўхтади, балки мени яхши кўриб қолгандир, — деб яна кулишади. Шунда бир ёши улуғ аёл "қизлар, сизлар ўзи қайси маҳалладансизлар", деб сўраса, "нима ишингиз бор, бошимизда ота-онамиз бор, хўпми", деб бақрайиб гапиришди. Бир отахон тутоқиб кетиб:*

*— Қайси шўринг қурғур сенларни келин қиларкина, — дедилар.*

*Кўриб турганингиздек бу қизларни биров сўраган тақдирда ҳам ҳеч ким яхши демайди. Иккинчи бекатга борганда ёш йигитлар автобусга чиқиб, ўзларини бўш ўриндиқларга уришди. Автобуснинг охирида ўтириб, улар бутун бор овозлари билан бир-бирларини сўкиб гапиришарди, танбеҳ берган катталарга эса "уйга бориб, хўжайинчилик қилинг, отец!" деб жеркиб ташлашарди.*

*Мана шундай, ёшларимиз кўп бўлмаса-да учраб туради. Бир болага етти маҳалла ота-она, деганларидек, бир-биримизга эътиборлироқ бўлайлик, болаларимизга ёшликдан яхши тарбия берайлик. Зеро, улар обод маҳалланинг муносиб фарзандлари бўлиб етишиб чиқсинлар. Токи, қайси маҳалладансиз, деган саволга улар фахрланиб жавоб берсинлар.*

***Саломатхон САФОХОН қизи***

# ЎҚИ, ЎРГАН ВА ИҚТИДОРИНГНИ НАМОЙИШ ҚИЛ!

**Бу — ТДПУ қошидаги академик лицейнинг ўз талабалари олдига қўйган талабидир. Бу талаб ўқувчилар учун улкан шиор вазифасини ҳам ўтайдики, бу шиорга амал қилиш уларнинг бурчи ҳисобланади. Улар ўз бурчларини қанчалик амалга ошираётганликларини эса жамиятимизнинг турли жабҳаларида эришаётган озми-кўпми ютуқларидан ҳам билсак бўлади. Лицейнинг икки нафар ўқувчиси (3-курс талабалари Жасур Илҳомбеков, Наргиза Мирзачаева) ўз китобларини чиқаришган бўлишса, 1-"В" гуруҳи талабалари Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Қонунимиз — ҳимоямиз" ҳуқуқий марафонида (Тошкент шаҳри, лицейлараро) муваффақиятли иштирок этишди.**

**1-"Е" гуруҳи ўқувчиси Бобур Ортиқбоевнинг спортда эришган муваффақияти эса лицейда хурсандчилик билан тилга олинди. Бобур спортнинг жанговар турларидан бири саналмиш — кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Самарқанд вилоятида ўтказилган мусобақада тенгдошлари орасида ғолиб бўлган Бобурнинг бу муваффақияти лицейда спортга ҳам катта эътибор берилаётганидан далолатдир.**

**Ютуқлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, бу муваффақиятлар бошида, албатта, азиз устозларимиз турганликларини айтиб ўтишимиз лозим.**

***Элмурод НИШОНОВ,***
***шу лицейнинг 1-курс ўқувчиси***

**Tavsiya**

# НАВОИЙ НАЗМИДА ТАБИАТ ВА ФАЛАКИЁТ

Мактабларда физика ва астрономия фанидаги ҳар бир мавзуни ўқитишда ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, фанга қизиқтиришда самарали услублардан фойдаланиш бугунги кун талабидир. Бу муаммони ечишда физика ва астрономия, адабиёт, тарих фани ўқитувчилари ҳамкорликда, интеграцияга асосланган мужассамлашган дарслар — фанлараро алоқадорликни қўллашда буюк даҳоларимиз мероси қўл келади. Зеро, буюк даҳолар Қуёш бўлсалар, унинг нурини ўзида акс эттиргувчи устоз ёшлар қалбин ёриттгувчидир.

Масалан, физика дарсида "жисм" тушунчасини ҳосил қилишда "Инсон нимага киради, моддагами ёки жисмга?" саволини бериб, унга жавобни Навоийнинг "Бадоиул-бидоя" асаридаги қуйидаги байтларидан олиш мумкин.

Эй алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро,

Жисм ичинда жон киби сен барча султонлар аро.

Яъни, алифдек қаддингда ҳасрат, жонлар мавжуд бўлиб, жисмлар ичининг султони сен.

VII синфда электр ҳодисаларини ўтганда ёки "Физика ва лирика" кечасида Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридаги ҳикматли сўзлардан фойдаланиш ўқувчи маънавий дунёсини шакллантириш кўринишларидан бири, десак муболаға бўлмайди.

Чақмоқ ёруғлиги осмондан ергача етади,

Икки сўз айтгунча давом этади.

Аммо қаттиқ ё юмшоқ ерга тушса,

Уни барбод қилмагунча тинмайди.

Физика грекча "фюзис" — табиат деган маънони англатади, лекин биз техника, информатика асрида яшасак-да, бобокалон шоиримиздек табиатга яқинликни ҳар дамда ҳис қиламизми? Бобокалонимизнинг бу хислатини табиат дарсларида ҳам қўллаш вақти келмадимикан? Навоий бобомиз ёзган:

Меҳрсизликдан фалак қатлин айлар бедариғ,

Йўқса, невчун дафн этар ҳар кун қуёшдин ерга тиғ.

Яъни, эл орасидаги меҳрсизликни шафқатсиз йўқ қилмоқ учун осмон (фалак) ҳар кун ерга қуёшдан тиғдай нур юбормоқда. Мана, қуёшнинг сахийлигига берилган баҳо.



Дарҳақиқат, биз физикадан ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалишини, фалакиётда ой, қуёш тутилиши ҳодисалари шу асосда юз беришини биламиз. Демак, Навоий бобомиз ҳам ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалишини билган. Бундай фикрни, табиатга яқинликни унинг кўплаб асарларида учратиш мумкин.

—Инсоннинг ўзини табиатдаги, коинотдаги ҳодисаларга таққослаш унинг ёшлигидан мавжудмасмикан, — деган саволга Навоийнинг:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч Қуёш —

мисраларидан жавоб излаш жоиздир.

Яъни вужуддан қийналиб, кўзни ёпгач чиққан ёшга ўхшаш, кечқурун нур сочгувчи юлдуз, Қуёш ҳам қийналиб, ёниб нур сочади дегани эмасми? Ҳақиқатан ҳам Қуёш ва юлдузлар термоядро натижасида нур сочади.

Айниқса, фалакиёт илми, астрономик ҳодисаларга Навоий қанчалик эътибор берганлигини Султонмурод Олимнинг "Байроқ, бурж ва бурч" (Тошкент, "Ўзбекистон". 1995) китобидан ўқиб, миллий байроғимиздаги ўн икки юлдуз қадимий фалакиёт фанидаги буржлар билан рамзий боғлиқлигининг гувоҳи бўласиз.

Ҳар бир бурж муайян юлдузлар туркумини билдиради. Ойлар ана шу туркумларнинг номи билан юритилади: Ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадий, далв, ҳут.

Қуёш шу буржлар орқали секундига 240 км, га яқин тезликда юриб, Олам қутби атрофини йилига бир марта айланиб чиқади.

Шунингдек, "Ҳафта нега етти кун?" саволига жавобни Навоий бобомизнинг "Сабъаи сайёр" (Етти сайёра) достонидан жавоб топиб, табиий илмга асосланганлигини билиб олиш керак.

Наврўз — баҳорги тенгкунликни қуйидаги мисрада кўриш мумкин:

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,

Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Алишер Навоийнинг фалакиёт ҳодисаларига кўпроқ эътибор беришини, айниқса, Самарқандда бўлган пайтларда (тарихий манбаларда 1466-1469 йй.) Мирзо Улуғбекнинг ишларидан воқиф бўлиб:

Темурбек наслидин Мирзо Улуғбек,

Ки, олам кўрмади, султон анингдек —

каби мисраларию, Жайҳун (Амударё) бўйига келиб, кема ва Ойни кузатиб қуйидаги мисраларни ёзганидан ҳам билса бўлади:

Заврақ ичра ул Қуёш сайр айламас Жайҳун аро,

Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон Жайҳунда ул ой кема бирла сайр этар,

Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрар, Жайҳун аро.

Ой нур сочмай Қуёш нурини бизга қайтариши илмий ҳақиқатдир. Астрономия, физика курсида бундай материалларни мавзуга мос қўллаш мақсадга мувофиқдир.

***Марямжон ЖУМАНИЁЗОВА,***
***Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими***

# "НАВОИЙ ИЖОДИ — БЕБАҲО ҚАДРИЯТ"

**Navoiyxonlik**

Ушбу мавзуда РТМда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда пойтахт мактабларининг она тили ва адабиёт ўқитувчилари, Тошкент шаҳар ХТБ тасарруфидаги барча туман услубчилари, услубий бирлашма бошлиқлари қатнашиб, етук олимлар, профессорлар У.Норматов, Б.Тўхлиев, С.Ғаниева, Қ.Йўлдошев ва педагогика фанлари номзоди, дарслик муаллифи Қ.Ҳусанбоеваларнинг мактабда Навоий ижодини ўрганиш, ўқувчига сўз сеҳрини етказиб, уни ҳаяжонга солиш, ҳайратни муҳаббатга айлантира олиш услублари ҳақида сўзлаб беришди. Анжуманда пойтахтдаги 34-, 45-, 102-, 132-мактаб ўқувчилари ижро этган ғазаллар, "Навоийнинг туғилиши" саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслар барчага манзур бўлди.

***Маҳмуда ВАЛИЕВА,***
***"Ma'rifat" мухбири***

*Джим Хэнсон бошчилигида делегация аъзолари билим ўчоғимизда бўлиб, ўқувчиларимиз ҳузурида қизиқарли маърузалар ўқишди.*

*"Агро фермер" гуруҳи ўқувчиларига агрономия фанига оид, кенг қамровли замонавий билим беришда америкалик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.*



# ЎҚУВЧИЛАР ЎТКАЗАЁТГАН ТАЖРИБАЛАР

## у келажакда албатта ўз самарасини беради

Халқимизнинг яратувчанлик қудрати азалдан деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган. Бухоро қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи муҳандис-педагоглари ҳам бугунги кунда юксак тараққий этган қишлоқ хўжалик техникавий тажрибалари асосида ўқувчи-ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатмоқдалар. Бундан кўзланган асосий мақсад — малакали мутахассислар тайёрлаб, уларнинг меҳнатлари орқали она-юртимиз шуҳратини дунёга ёйишдир. Мазкур таълим муассасамиз тажрибали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, дастлаб 1925 йилда "Зировот" мактаби номи билан фаолиятини бошлаган. Шу пайтга қадар ўқув даргоҳимизда 30 минг нафардан зиёд турли йўналишдаги агроном, техник, механик, ветеринар, фельдшер каби мутахассис кадрлар етишиб чиққан. 1999 йилда коллеж мақомига эга бўлган ўқув масканимиз педагог мутахассислари таълим мазмунига янгича ёндошган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Бу ерда 7 та йўналишда 28 та мутахассислик бўйича 963 нафар ўқувчи-ёшлар касб-ҳунар сирларидан воқиф бўлиб, амалий маҳоратларини ҳам оширмоқдалар. 131 гектар ер майдонидаги иссиқхона ҳамда замонавий ишлаб чиқариш лабораториясининг мавжудлиги ёшларнинг амалий машғулотлар ўтказиши учун қўл келмоқда.

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларга мақсадли таълим-тарбия беришда ДТС талаблари асосида ҳамда намунавий ўқув режасига мувофиқ ҳолда иш олиб борилмоқда. Бунга эришиш бир жиҳатдан уларнинг зарур дарслик ва адабиётлар билан имкон қадар таъминланганлиги билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимиз ўсимликлар ва ҳайвонларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, тури, нави ҳамда биологик хусусиятлари тўғрисида кенг қамровли тасаввур ва билимга эга бўлишмоқда.



Бугунги кунда коллежимиз БухДУ аграр факультетининг агрономия, механизация, тармоқ иқтисоди, иқтисод назарияси ва тиллар кафедралари ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтининг фалсафа, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик машиналари кафедралари билан узвий ҳамкорлик олиб бормоқда. Шунингдек, республика пахтачилик илмий текшириш институтининг Бухоро вилояти филиали билан ҳам шартнома асосида амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Коллежга қарашли бўлган тажриба участкасида ўқувчилар томонидан ғўзанинг 11 нави, ғалла, дуккакли дон ва полиз экинларининг 17 номдаги навлари бўйича тажрибалар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, янги барпо этилган 15 гектар майдондаги бўш ерларда турли хил сабзавот ва полиз маҳсулотлари ўқувчилар томонидан етиштирилиб, коллеж ошхонасида уларнинг ўзлари учун арзонлаштирилган овқат тайёрланмоқда. "Аму-Бухоро" канали қурилиш ҳиссадорлик жамияти ва "Бухоро-ирригация қурилиш" ташкилоти билан шартнома асосида иш олиб борилаётганлиги боис, ёш бульдозерчи, экскаваторчилар ҳам тайёрлаб берилмоқда. АҚШнинг Мориленд Университетининг "Кенгайтирилган хизматлар" (Extenension service) маркази мутахассислари ҳам таҳсил олаётган бўлажак фермерларга фермерлик ишини юритиш, ташкил этиш, бошқариш бўйича учрашувлар ва семинар-тренинглар ўтказиб, уларга ўз тажрибаларидан сабоқ бермоқдалар. Айтиш жоизки, Мориленд Университети таркибидаги қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар коллежи директори ушбу лойиҳанинг раҳбари, Джим Хэнсон бошчилигида делегация аъзолари билим ўчоғимизда бўлиб, ўқувчиларимиз ҳузурида қизиқарли маърузалар ўқишди.

Бугунги кунда коллежимиз кутубхонасида 34 мингдан зиёд китоблардан ўқувчилар мунтазам фойдаланишмоқда. Истеъдодли ёшларнинг камоли йўлида астойдил меҳнат қилиб, уларнинг таълим-тарбиясига меҳр билан кўз тикаётган агрономия фани ўқитувчиси — Мушарраф Остонова, қишлоқ хўжалигини механизациялаш фани ўқитувчиси — Маҳфуза Турдиева, бухгалтерия ҳисоби фани ўқитувчиси — Меҳринисо Шодиева, ветеринария фани ўқитувчиси — Салим Бозоров, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш фани ўқитувчиси Зубайдулла Шариповларнинг бу борадаги меҳнатини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда таълим муассасамизнинг 38 та дарсхона, 14 та лаборатория ва 2 та ишлаб чиқариш амалиёти лабораториялари хонаси 137 млн сўмлик таълим жиҳозлари билан таъминланган. 5 та лингофон, 3 та компьютер хонаси мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, Интернет тармоғига уланганмиз. Шуни таъкидлаш лозимки, жамоат ишларида фаол қатнашадиган, аъло баҳоларга ўқийдиган ҳамда кам таъминланган ўқувчиларнинг 64 нафарига коллеж томонидан бепул овқат ташкил этилган. "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ҳам қизғин кечмоқда. Айни кунларда ёшларимиз шахмат, шашка, волейбол, стол тенниси, футбол, кураш турлари бўйича совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Бобокалонларимиз Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига борадиган йўлни кўкаламзорлаштириш мақсадида 40 мингдан зиёд манзарали кўчат экишда қатнашган ўқувчиларимиз айни кунларда унинг парваришини ҳам давом эттирмоқдалар.

***Абдураҳмон БОЗОРОВ,***
***Бухоро қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори***





# МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

*Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби, ижтимоий ва иқтисодий йўналишда ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада ёшларни малакали кадрлар қилиб тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Уларга касб-ҳунар сирларини ўргатишда эса малакали муҳандис-педагоглар зиммасига юксак масъулият юкланган, дейиш мумкин.*

*Агрономия фани замирида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун тупроқшунослик, агрокимё, мелиорация, суғориш, механизациялаш, автоматизациялаш ва бошқа қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш муҳим. Дарҳақиқат, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш деганда, пахта, ғалла, масхар, шоли, сабзавот ва полиз экинлари, узум ва боғдорчилик соҳасини юқори даражада ривожлантириш кўзда тутилади. Шу боис, коллежимизда агрономия фани бўйича назарий ва амалий дарслар бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Бу фаннинг ўзига хос жиҳатларидан бири — ўсимликлар парвариши ва вегетациясининг мавсумийлигидир. Бу орқали ўқувчилар ўсимликларнинг тури, нави,*



*унинг ҳосилдорлиги, технологияси ҳамда агротехникаси ҳақида тўлиқ тасаввурга, билимга эга бўлишлари лозим. Шуни эътиборга олиб, уларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида янги педагогик технологияларнинг самарали воситаларидан — кўргазмали қуроллар, ҳужжатли ва видео фильмлардан кенгроқ фойдаланилмоқда. Таълим масканимизнинг "Агро фермер" гуруҳи ўқувчиларига агрономия фанига оид, кенг қамровли замонавий билим беришда америкалик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Бу ҳамкорликнинг натижаси илмга чанқоқ ёшларимизнинг ҳозирданоқ ўз истеъдодларини намоён этишларида кўзга ташланмоқда.*

*Дарҳақиқат, ёш ниҳолнинг тезда вояга етиб ҳосилга киргани деҳқонни бир қадар ёшартиргани каби, 2001-2002 ўқув йилида коллежимизни илк бор тугатиб учирма бўлган 24 нафар қалдирғочларимиз ҳаётда ўз ўринларини топиб, меҳнат қилаётгани бизни қувонтиради, албатта. Улар меҳнат фаолиятини мазмунли бошлаган ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларидан келаётган миннатдорлик хушхабарларининг оқими биз педагогларнинг кўнглимизни осмон қадар юксалтирмоқда.*

**Эркин ЙЎЛДОШЕВ,**
**ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари,**
**Дилшода МУҲАММАДИЕВА,**
**агрономия фани ўқитувчиси**
Ⓜ

# МЕТОДИК ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШГАНДА...

**Тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон мамлакатда ҳар соҳада тараққиёт гуллаб-яшнайди. Инчунун, касб-ҳунар эгаллашга қизиққан ёшларимизнинг кўнглида олам-олам орзу-ниятлар ва беғубор туйғулар жўш урмоқда. Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига катта ишонч ва умид билан қаралмоқда. Қисқа вақт ичида коллежимизга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган ғамхўрлик туфайли, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ҳамда касб-ҳунар сирларини ўргатиш орқали улар тафаккурининг тўғри шаклланишига катта имкониятлар яратилди. Даргоҳимиз йўналиши қишлоқ хўжалигига**



**ихтисослашган бўлиб, шу соҳа бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаб беради. Педагог-мутахассисларимизга ўқув бўлими томонидан методик хизматни янада такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам доимо кўрсатилади. Айниқса, бунинг самараси ёш ўқитувчиларнинг фаоллигида ўз аксини топмоқда. Методик хизматни чуқур шакллантиришдан мақсад — ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, хорижий тилларни ўрганиш бўйича лингофон ва бошқа хизматларни юқори даражада ташкил этишга қаратилган. Бу ишларни амалга оширишда малакали педагогларимиз аниқ, табиий ва гуманитар фанлар бўйича таълим самарадорлигини ошириб дарс машғулотларини ўтказадилар. Бу ерда ўқувчиларнинг дарслик ва адабиётлардан мунтазам фойдаланишлари учун 100 ўринга мўлжалланган ўқув зали, 6000 мингдан ортиқ китоб жамғармаси мавжуд бўлиб, у ўқувчилар билан доимо гавжум. Айниқса, ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Агроном—фермер", "Чорвадор—фермер" гуруҳларида педагог мутахассислар томонидан ўтказиладиган машғулотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўқитувчи-муҳандислар ўқувчиларга лабаратория ва ишлаб чиқариш устахонасида олиб борилаётган машғулотлар жараёнида қишлоқ хўжалик техникаларининг барча қисмларининг жойлашув тартибини, жумладан, уларни ечиб ва жойига қўйишни пухта ўргатмоқдалар. 2002-2003 йилда ўқувчиларнинг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш учун "Жавондаги хазина", "Истиқлол — тараққиёт белгиси", "Халқ иродасининг намойиши", "Демократия сари" ва бошқа мавзуларда кўрик-танловлар, китобхонлар конференцияси, шеърхонлик кечалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, айниқса, ёшлар ўртасида "XXI аср вабоси"га айланиб бораётган ОИТС ва гиёҳвандликка қарши очиқ суҳбат ва мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Унда туман марказий шифохонасининг мутахассис ходимлари маърузалар ўқиб, сўнгра ҳужжатли фильмлар намойиш этиши ўз таъсирини кўрсатмоқда.**

***Сурмахон ЁҚУБОВА***
***ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари***

# ЁШ ЕРШУНОСЛАР МАСКАНИ

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришда дастлабки омил—техник экинлар парвариши ва агротехникасини юқори даражада ташкил этишга боғлиқдир. Демак, сифатли ва барқарор ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш, деҳқончилик маданиятининг бош мезони ҳисобланади. Ер азалдан ҳалқимиз моддий фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Галаосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежимизнинг 290 нафар ўқувчи-ёшларимизга 48 нафар ўқитувчи ва муҳандис педагоглари тупроқ ва унинг унумдорлиги, унда тириклик учун зарур бўлган моддий неъматлар етиштирилиши ҳақида тушунча ва билим бериб келмоқдалар. Инсоният учун она ер бағридаги яшил ўсимликларнинг аҳамияти беқиёслиги, уларнинг ташқи муҳитга қанчалик таъсир этиши ва бу билан бутун борлиқ гўзаликка бурканиши тўғрисида билим бермоқдалар. Бу масканда таҳсил олаётган ўқувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, пахта, ғалла, чорвадан мўл ҳосил олиш, паррандачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, уларни кўпайтириш, наслчиликни такомиллаштириш бўйича илғор хорижий технологиялар асосида етарлича кўникма ва малакаларга эга бўлмоқдалар.



Коллежимиз ташкил этилганига 3 йил бўлганига қарамасдан ўқитиш жараёни замонавий андозалар асосида тез фурсатда такомиллашмоқда. Гуманитар, аниқ ва махсус фанлар бўйича янгича иш услублари жорий этилмоқда. Бу ерда дарс бераётган ўқитувчилар танлов асосида шартнома билан ишга олинган. Уларнинг кенг қамровли тажрибага эга эканлиги, ўз устида тинимсиз ишлашлари қўл келмоқда. Бунинг натижасида ўқувчи-ёшларимиз мукаммал билим ва кўникмаларга эга бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Махсус фанлардан хисобланган агрономия, тупроқшунослик, агрокимё қишлоқ хўжалик техникаси бўйича амалиёт дарсларининг тўғри ташкил этилганлиги улар тажрибасига янгича руҳ бағишламоқда. Коллежимиз бисотида 2 та "ТТЗ-80", "Ота Йўл-65-9", "Москвич-2715" ва Япониядан келтирилган шоли ўриш замонавий комбайнлари сақланмоқда.



Ўқувчилар бевосита замонавий ишлаб чиқариш лабораторияси биноларида қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш, чилангарлик, темирчилик, пайвандлаш, ветеринария жарроҳлиги, ер кадастри, тупроқшунослик, агрономия ва агрокимё фанлари бўйича амалий машғулотлар ўтайдилар. Шунингдек, автомобиль қисмларини, қишлоқ хўжалик техникаларини бошқариш усулларини ҳам пухта ўрганадилар.

Амалий машғулотлар ўташ жараёнида турли тасвирий воситалар, жумладан, теле-видео аппаратуралар, магнитофон, кодоскоп ва бошқа замонавий ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланишади.

Вилоятдаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам икки томонлама шартнома асосида ўқувчиларимиз қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш бўйича амалий тажрибаларини оширадилар. Бундай ҳамкорликдан мақсад келгусида битирувчи кадрларимизнинг бир қисми ушбу корхоналарда иш фаолиятини бошлайдилар. Бундан ташқари, Республика ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида педагог кадрларимиз ўз мутахассисликлари бўйича малака ошириб келадилар.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, суғориладиган ер майдонларида деҳқончилик ишларини кенгайтириш, ернинг мелиоратив таркибини ўрганиш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш каби ишларга жиддий ёндашган ҳолда ёшларимизга имкон қадар тўғри тушунча ва тасаввурлар бериш жамоамизнинг бундан кейин ҳам бош мақсади бўлиб қолади.

***Орзиқул КЕНЖАЕВ,***
***Галаосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, техника фанлари номзоди, доцент***
Ⓜ



## ТАН СОҚЧИ СИРЛАРНИ ОШКОР ЭТГАН

**Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг қўриқлаш хизмати собиқ бошлиғи, ватанини яширинча равишда тарк этган Абу Ҳамди Маҳмуд Исроил махсус хизматига БМТ инспекторлари текширмаган объектлар рўйхатини берган. Рўйхатда Бағдод жанубидаги ер остида жойлашган кимёвий қуроллар ишлаб чиқарувчи завод, Рамади шаҳрига Шимолий Кореядан келтирилган "Скад" русумли ракеталар, ғарбий чўллар остидаги бактериологик қуроллар жойлаштирилган иккита бункерлар бор.**



**"Нью-Йорк Таймс" газетасининг ёзишича, Пентагон ташкилоти журналистларни ўзининг стратегик режаси билан таништирган. Унга кўра, уруш оммавий ҳаво ҳужумлари билан бошланади ва унинг биринчи икки кунида Ироқ объектлари бўйлаб 3000 та бомба ташланади. Бу рақам 1991 йилги урушга нисбатан 10 баробар кўп демакдир.**

## ТЕРРОР ТАШКИЛОТЧИСИ УШЛАНДИ

**Ўтган йилнинг октябрь ойида юз берган Бали фожеасининг бош ташкилотчиси ҳибсга олинди. Индонезия полициясининг билдиришича, ушбу малайзиялик фуқаро Нуриддин Муҳаммад Ява оролининг шарқидаги шаҳарлардан бирида қўлга олинган. Бундан ташқари ҳозирга қадар Бали теракти бўйича 30 га яқин киши ушланган бўлиб, уларнинг 20 нафари асосий ижрочилар сирасига киради. Эслатиб ўтамиз, ушбу террор туфайли ўшанда 200га яқин киши ҳалок бўлган эди.**




## 30 ЙИЛДАН СЎНГ

**Кеча Покистон президенти Парвез Мушарраф уч кунлик ташриф билан Москвага келди. Сўнгги 30 йил ичида илк маротаба кузатилган Покистон раҳбарининг Россияга ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари Деҳли-Исломобод ўртасидаги Кашмир муаммосини ҳамда ўзаро ҳарбий, иқтисодий алоқаларни муҳокама этмоқдалар. Шунингдек, Ироқ масаласи, терроризм ва гиёҳвандлик савдоси ҳам кун тартибига қўйилган.**



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда география факультети жамоаси "Табиий география" кафедрасининг профессори

**Асом РАФИҚОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзиф изҳор этади.

Тошкент вилояти педагогика касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ходимларининг касаба уюшмаси коллеж раҳбари Насиба Камаловага

**онаси**нинг

вафот этганликлари муносабати билан таъзия изҳор этади.

# "КОЛУМБИЯ" ФОЖЕАСИ

## ёхуд Техас бўйлаб сочилган кема



"Қора сешанба" номини олган 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг 2003 йил 1 феврали Америка халқи тарихига иккинчи мудҳиш сана бўлиб кирди. Негаки, айнан шу куни 16 кунлик парвоздан сўнг "Колумбия" фазо кемаси Флоридадаги Жон Кеннеди номли космодромга қўниши керак эди. Бироқ 1981 йилдан буён кўп бор парвозда фойдаланилган "Колумбия" бу сафар ўзининг эскириб қолганлигини билдирди ва 7 нафар фазогирнинг умрига зомин бўлди. Аввалига ҳаммаси кўнгилдагидек бошланганди. Яъни, 16 январь куни парвоз қилиш учун старт олишдан аввал "Колумбия" Американинг фазовий тадқиқотлар билан шуғулланувчи NASA ташкилоти мутахассислари томонидан обдон текширилган ва у ҳавога кўтарилишга тайёр, дея хулоса қилинган эди. Бу ҳақда куни кеча NASA раҳбари Шон О'Киф алоҳида чиқиш қилди.

1 февраль куни фазо кемасининг сафардан муваффақиятли қайтишини кутиб олиш учун минглаб америкаликлар кўчага чиқишди. Лекин маҳаллий вақт билан $9^{00}$ларда ҳавода даҳшатли гумбурлаш эшитилди. Бутун Техас бўйлаб осмондан темир бўлаклари ёғилди. Мутахассисларнинг фикрича, 1 сонияда 8 км. тезлик билан ҳаракатланган "Колумбия" атмосфера қобиғига кириш вақтида портлаб кетган. Агар фожеа юз бермаганида у 16 дақиқадан сўнг ерга қўниши керак эди.



NASAнинг билдиришича, Москва вақти билан 16:52да кеманинг ички бўлинмасидаги 3та датчикда ҳароратнинг бирдан кўтарилиши кузатилган. Орадан дақиқа ўтиб 4-датчикда ҳам кўрсатувчи стрелка юқорига кўтарила бошлаган ва ҳарорат 40 даражага етган. 16:55 да эса 5-датчикда ҳам шу ҳолат рўй берган. 16:57да Аризона ва Нью-Мексика штатлари устидан учиб ўтган "Колумбия" 16:59да Техас штатининг шарқига етиб келган ва айнан шу жойда у парчаланиб, фалокатга юз тутган. Бу вақтда у 60 км. баландликда эди. Гарчи фожеа борасида асосий қарашлардан бири сифатида чап қанотдаги ҳарорат ўнг қанотдагига нисбатан юқори бўлиши ва натижада унинг эриб, майдаланиб кетганлиги айтилаётган бўлса-да, лекин аниқ сабабни топиш учун ҳали кўп текширувлар ўтказиш керак бўлади. Айни вақтда маҳаллий аҳоли кема бўлакларига яқинлашмаслик борасида огоҳлантирилганлар ҳамда NASA, Федерал Тергов Бюроси, полиция ходимлари томонидан шатл қолдиқлари йиғиштирилиб, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Луизиана штатидаги "Барксдейл" базасига келтирилмоқда.

Шунингдек, ҳаётдан эрта кетган 7 нафар фазогирнинг ҳам жасад қолдиқлари Довер ҳарбий базасига келтирилиб, шу ерда идентификация (тана қолиқларини солиштириш, ўхшатиш) қилинмоқда. 17 йил аввал эса парвозининг илк дақиқаларидаёқ ҳалокатга учраган "Челенжер" кемаси фазогирларининг, 2001 йили эса 11 сентябрь воқеалари қурбонларининг жасадлари мазкур базада ўрганилган эди. Кеча эса АҚШ президенти Жорж Буш марҳумлар билан видолашув маросимида иштирок этди ва бундай йўқотишга қарамай, космосни тадқиқ этиш давом эттирилишини маълум қилди.

## ЛЬЮИС ВА ТАЙСОН АФРИКАДА УЧРАШАДИ

**Жанубий Африка Республикасининг таниқли промоутерларидан бири Родни Берманнинг айтишича, оғир вазнли профессионал боксчилар — америкалик Майк Тайсон ва британиялик Леннокс Льюислар ўртасидаги учрашув Африка қитъасининг ушбу давлатида бўлиб ўтиши мумкин. 2001 йил Жанубий Африкада Льюис ва Хассим Рахмон жангини ташкил этишга бошқош бўлган Берман: "Биз ушбу учрашувни ўз мамлакатимизда ўтказиш учун бор имкониятларимизни ишга солганмиз", дея айтди. Ўшанда Рахмон Льюисни енгган бўлса, сўнгроқ Лас-Вегасдаги такрорий рингда Леннокс чемпионлик камарини ундан қайтариб олган эди. Тахминларга кўра, Льюис — Тайсон жанги июнь ойида бўлиб ўтади.**



## КУЧЛАР ҲОЗИРЧА ТЕНГ

**"Deep Junior" компьютер дастури билан мусобақалашаётган россиялик гроссмейстер Гарри Каспаров 4-партияда ҳам техника билан дуранг ўйин намойиш этди ва ҳисоб 2:2 бўлди. Оқ тошларда ўйинни бошлаган компьютер 2 соатдан сўнг ҳужумга ўтди ва аввалига унинг қўли баланд келди. Сўнгроқ Каспаров ўз комбинацияларини ишга солди ҳамда дуранг натижага эришди. Навбатдаги 5-учрашув бугун ўтказилади. 1000000 доллар мукофот қўйилган ушбу турнирда ким ғолиб чиқиши ҳозирча номаълум.**



## ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

*25 март — 16 апрель кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Тажрибали мураббий Виктор Борисов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси эса мазкур чемпионатнинг "А" гуруҳида ҳаракат қилиб, Аргентина, Испания ва Мали давлатлари жамоалари билан мусобақалашади. Араб Амирликларининг Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Айни шаҳарларида бўлиб ўтадиган ушбу нуфузли халқаро мусобақага мамлакатимиз терма жамоаси айни пайтда қизғин тайёргарлик кўрмоқда. БАА ҳамда Словакия терма жамоалари учрашуви билан бошланажак жаҳон чемпионатининг финал босқичида илк бор иштирок этаётган ҳамюртларимизга омад тилаб қоламиз.*

## ТОШКЕНТДА ДЭВИС КУБОГИ

*7-9 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида бўлиб ўтадиган Дэвис кубоги мусобақалари бугун мамлакатимизда катта теннисга эътибор юксак даражада эканлигидан далолат беради. Жума куни бошланадиган мазкур мусобақада Абдулҳамид Маҳкамов, Олег Огородов, Вадим Куценко, Сарвар Икромов ҳамда Мурод Иноятовлардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Индонезия терма жамоасига қарши кортга тушади. 2001 йили эса мазкур жамоа билан Жакарта шаҳрида куч синашган ҳамюртларимиз 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар.*



***Ҳаммабоп ўйин бўлган стол тенниси журналистлар севадиган спорт турларидан бири. Тошкент авиация заводининг 80 йиллиги ҳамда "Ўзбекистон қанотлари" газетасининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган турнирда бу фикр яна бир карра исботланди.***

***Ўйинлар Авиация заводи маънавият ва маърифат марказида жамоа ҳамда шахсий ҳисобда бўлиб ўтди. "Ma'rifat" жамоаси 2-ўринни эгаллаган ушбу турнирда ғолиблик "Экономический вестник Узбекистана" газетаси жамоасига насиб этди.***

***Суратда: ғолиб жамоага турнир бош ҳаками Борис Трубкин совринлар топшираётган пайт.***

***Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.***

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли қарорини бажариш бўйича 1-синф ўқувчиларини ўқув қуроллари, кам таъминланган оила фарзандларининг I-IX синф ўқувчиларини иссиқ кийим билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан 16-17 январ кунлари ўтказилган тендер ғолибларининг рўйхати:

**пп I. Ўқув-куроллари:**

**Пенал**
1 ЧФ «МИЯ»

**Рангли қалам**
1 «Ўқув Таълим Қурилиш Таъминот»
2 ЧФ «НИМ»

**Клей (елим)**
1 ЧФ «МИЯ»

**Пластилин**
1 «Ўқув Таълим Қурилиш Таъминот»
2 Наврўз ПТК

**Акварель бўёғи**
1 ООО «Дримс»

**Ўқувчилар дафтари**
1 «Ўқув Таълим Таъминот Жиҳоз»
2 Франс Азия

**Рангли қоғозлар тўплами**
1 Франс Азия
2 ООО «AR. Poligraf»

**Ручка**
1 ЧФ «МИЯ»

**Ўчирғич**
1 ЧФ «МИЯ»

**Оддий қалам**
1 ЧФ «МИЯ»

**Расм дафтари**
1 Франс Азия
2 «Ўқув Таълим Таъминот Жиҳоз»

**Ўқувчилар сумкаси**
1 XXI АСР. Ҳаққулобод
2 Азизкомсервис
3 Анд Мардона
4 Бекасам. Карши
5 Бенет Андижон
6 Бобур Андижон
7 Диловар Андижон
8 ЖАС Андижон
9 Зиё Адм.Ҳаққулобод
10 ЧФ Ибрат Андижон
11 Мадина 97
12 Макс—Бизнес
13 Малҳам—М
14 Манзур Латиф
15 МНУ
16 Насибулло
17 Нуртех
18 Одина Файз
19 Орзу Бахт
20 Орзу Осиё
21 Орзу Хумор
22 Осиё стимул
23 Повер Люкс
24 Республика махсус лицейи
25 Саноат Бетта
26 Саноат Икс
27 Саноат Кучи
28 Садо 2000
29 Савдо калити
30 Сезгин Плюс
31 Сервис ТПК
32 Тексі Пласт
33 «Ўқув Таълим Қурилиш Таъминот»
34 Тянь Шань
35 Учкун. Қарши
36 Файз Барака
37 Фаррух
38 Ҳаққулобод тикув фабрикаси
39 Ҳуснида
40 Қулназар Хаққул
41 АО «Ходжаобод»
42 Шарқ Альфа
43 Шабода
44 Шодош
45 Шоира Бону-78
46 Шох Акбар
47 Янги Мезон
48 Янги Баҳор

**II. Иссиқ кийим-кечаклар:**

**Болалар ва ўсмирлар курткаси**
1 XXI АСР Ҳаққулобод
2 Аброр Шох
3 Азизкомсервис
4 Азия Текстиль
5 Аль Маҳмуд
6 Анд Мардона
7 Ш.Рашидов фонди Андижон бўлими
8 АЮП
9 Адир Савдо
10 Бегали Ҳожи
11 Бекасам
12 Бек-М
13 Бенет Андижон
14 Бобур-83
15 Винклер
16 Гулбаҳор
17 Гулбаҳор 2001
18 Диана Файз
19 Ёр-Ёр
20 Ёш уддабурон
21 Жасур
22 Зиё АДМ
23 Зиёдий
24 Ибрат ЧФ
25 Имкон
26 Ифтихор
27 Косонсой Текстиль
28 Кварт сервис
29 Кўркам
30 Мададкор
31 Макс Бизнес
32 Манзур Латиф
33 Матонат
34 Матонатли Нодирбек
35 Мир Алишер
36 МНУ
37 Муҳаммад Али
38 Навоий Илм
39 Насибулло
40 Нурафшон
41 Нуртех
42 Нуткий
43 Одина Файз
44 Оқ тулпор
45 Осиё стимул
46 Офис-Н
47 Промин Барака
48 Республика махсус лицейи
49 Саманд-2
50 Самарқанд «Ўқув Таълим Таъминот» кор-си
51 Самарқанденгилсаноат
52 Саноат Бетта
53 Саноат X
54 Саноат кучи
55 Сафо
56 Судайси
57 «Ўқув Таълим Жиҳоз» кор-си
58 «Ўқув Таълим Қурилиши Таъминот» кор-си
59 Узакен
60 Улуғ Шух
61 Умид тикув ф-каси
62 Учкун
63 Ўқув ишлаб чиқариш
64 Фаррух
65 Ҳаққулобод тикув ф-си
66 Хурсандлик
67 Шарқ Альфа
68 ШБС
69 Шодош
70 Эльбек
71 Электросервис
72 Янги Мезон
73 Янги Баҳор

**ПОЙАФЗАЛ**
1 Ал-Маҳмуд
2 Анд Мардона
3 Азиз М
4 Акбар Шох
5 Адир Савдо
6 Афзал
7 Бинокор А
8 Винклер
9 ВАҚТ
10 Ногиронлар жамияти дирекцияси
11 Диана Файз
12 Ёр-Ёр
13 Ишонч
14 Косонсой пойафзал
15 Камолот
16 Кўркам
17 Манзур Латиф
18 Матонат
19 Матонатли Нодирбек
20 Миқдор М
21 МК Стиль Тошкент
22 Оқ тулпор
23 Орзу ХХ1 АСР
24 Офис Н
25 Омад 97
26 Промин Барака
27 Ортопедия ва протезлаш корхонаси
28 Саломат
29 Саноат X
30 Саноат кучи
31 Садо 2000
32 Суғдиёна
33 «Ўқув Таълим Таъминот Жиҳоз»
34 Текстпласт
35 «Прогнозсам» технологик ишлаб чиқариш корхонаси
36 Ўзбекистон КБД
37 Ўзтехцентр
38 Ҳамид
39 Хоразм пойафзал
40 Чайка
41 ШБС-1
42 Шафам
43 Шодош
44 Шоира Бону-78
45 Электросервис
46 Янги Мезон

**БОШ КИЙИМ ва ҚЎЛҚОП**
1 Бенет Андижон
2 Зилола Текс
3 Мадина Т
4 Малҳам М
5 Наврўз ПТК
6 Повер Люкс
7 Саманд 2
8 Сезгин Плюс
9 Тадбир
10 Ҳамкор
11 Юлдуз ЛТД

*Афсуски, у палатага қайтиб кирганида Анатолий Кирилловичнинг юраги уришдан тўхтаган, буни кутиб-кутмаган маъшуқасини зор йиғлатиб, доғда қолдирган эди.*

*Одамзотнинг ақли-ку юқори, аммо унинг бемеҳрлиги-чи?*



# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Jahon adabiyoti

## МАЙН РИД (1818-1883)

**Майн Рид инглиз ёзувчиси. У камбағал ирланд оиласида дунёга келган. 20 ёшга тўлганда Қўшма Штатларга боради. Турли жойларда ишлайди ва кўпгина инсонлар билан танишади. Бир қанча вақт Америка газеталарига мақолалар ёзиб юради.**

**Майн Рид Англияга қайтиб келгач, болалар учун саргузашт китоблар ёза бошлади. У бир қанча романлар, бундан ташқари қисқа ҳикоялар ёзади. "Бошсиз чавандоз" Майн Риднинг энг яхшиларидан бири. У жуда кўп тилларга таржима қилинган.**

**Майн Рид ўз китобларида ҳиндулар, занжиларнинг ҳаётини, овчи ва ковбойларнинг турли-туман саргузаштларини кўрсатиб беради. Майн Риднинг америкалик бир дўсти овчи бўлган. Унинг исми Зеб Стамп эди. У Майнга жуда қизиқарли воқеаларни айтиб берарди. Қуйидаги ҳикоя Зебнинг бошидан кечирган воқеаларидан бири сифатида ёзилган.**

## ДАРАХТДА ОЛТИ КУН

"Кунларнинг бирида мен ўрмонга овчиликка бордим. Бутун кун ов қилиб, ҳеч нарса тута олмадим. Кечга бориб Миссисипи дарёсига етиб келдим ва ўзимга ўзим: "Кеч тушиб қолди, уйга қайтишим керак", дедим, бироқ кейин хотиним очлигини, бунинг устига бир чақаси ҳам йўқлигини ўйлаб, шу ерда тонгга қадар қолсаммикин, деган хаёлга бордим. "Балки эрталаб нимадир тута оларман".

Шу пайт катта бир дарахтга кўзим тушди, унга қараб юрдим ва тагида тўхтадим. Жудаям чарчагандим. Дарахт остига чўзилдим, икки дақиқа ичида ухлаб қолибман. Эрталаб соат тўртларда даҳшатли шовқиндан уйғониб кетдим.

Тепага қарадим ва дарахтнинг учида каттакон қуш уясини кўрдим. Унинг ичида иккита ёш бургутчалар бор эди. Мен Лондон ҳайвонот боғи учун иккита бургут қидириб юрган бир инглиз жанобини эсладим. У бу бургутлар учун яхшигина пул тўлаши мумкин эди. Дарахтга чиқиб, бургутларни олишга аҳд қилдим.

Бир зумда дарахт тепасига чиқдим, бироқ қуш уясигача етиб олиш жуда мушкул эди. Охири бир амаллаб уяга етганимда қарасам, икки ёш бургутчадан ташқари, уларнинг олдида бир мунча овқат — гўшт ва балиқ ҳам бор экан. Аммо уяда катта қушлар йўқ эди.

Индан бургутларни олишга уринганимда бирдан бошимнинг орқа қисмида даҳшатли оғриқни ҳис қилдим. Атрофга аланглашим билан она бургутга кўзим тушди. У иккинчи ҳужумга шай турарди. Сиз бургутларнинг қанчалик кучли эканлигини билсангиз керак!

"Пастга қайтмасам бўлмайди, шекилли", дея ўйладим ва пастки шохларга тушиб олдим. Бир бутоққа ўтирдим ва дам олдим; кўзим ҳам илинди, чоғи...

Шу пайт ўзимдан пастроқда даҳшатли бир овоз эшитилди. Қарасам, бутун атрофни сув босган экан. Мен билан дарё оралиғида қўпгина катта-катта дарахтлар бор эди, ҳозир уларнинг ҳаммаси устма-уст сувга ағанаганди. Менинг дарахтим эса йиқилмаган, аммо чайқалиб турарди. Нима содир бўлаётганини тушундим: Миссисипида тошқин бошланибди! Мен ўтирган дарахт танаси ҳам сувга ўралган эди. "Зора бу дарахт қулаб тушмаса", дедим ўзимга ўзим.

Нима қилишим мумкин? Сузишни билмайман, шундай экан ўз жойимда қолишдан бошқа иложим йўқ. Ўз шохимда тонггача нажот кутиб, ўтириб чиқдим.

Кун ёришганда дарёда ниҳоят бир қайиқ кўринди. Мен бор овозим билан: "Ёрдам! Ёрдам беринглар!", деб бақирдим. Бироқ қайиқдаги одамлар мени эшитишмасди. Улар жудаям узоқда эдилар. Бироздан сўнг иккинчи қайиқ, кейин учинчиси, тўртинчиси ўтди. Мен ҳар гал бор кучим билан бақирардим, бироқ улар ҳеч эшитишмасди. Шундай қилиб дарахтда биринчи куним ўтди. Кеч тушгач, жудаям очқаганим сезилди. Мен бургут уясида бироз гўшт ва балиқ борлигини эсладим. Ва яна уя томонга кўтарилдим. Албатта, қушлар менга ҳамла қилишди, бироқ бу гал мен бунга тайёр эдим.

Мен улар билан олишдим, лекин фақат балиқнигина олдим ва у билан тамадди қилдим. Энди оч эмасдим. Лекин жудаям чанқагандим. Бу даҳшат эди. Шундоқ яқингинамда сув бор эди, аммо мен уни ололмасдим. Кўп ўйладим, бирдан нима қилиш кераклигига ақлим етди. Кўйлагимни ечиб, унга арқон бойладим. Кейин уни сувга чўктирдим. Қайтариб олганимда у сув билан тўла эди ва мен чанқоғимни қондирдим.

Бу дарахтда узундан узоқ олти кун яшадим. Ҳар куни уяга чиқиб у ердан овқат топардим. Шундай қилиб оч қолмасдим ва ҳар доим дарахт тагида ичиш учун сув бор эди.

Миссисипида тошқин содир бўлганда тошқиндан сўнг сув ойлаб турарди. Лекин мен бутун умр шу дарахтда қола олмасдим ва бу ердан кетиш учун ҳар хил режалар туза бошладим. Энди мен бургутлардан қўрқмасдим. Биз яхшигина дўстлашиб олгандик. Улар менинг ёш бургутчаларга ҳеч қандай ёмонлик истамаслигимни кўриб туришганди. Бургутлар худди шу шохда — менинг ёнгинамда ўтиришарди. Бу бургутларнинг қанотлари жудаям кучлилигини билардим. Балки улар мени сувдан қуруқликка олиб чиқишар. Ўшанда агар оёқ ва қўлларимни сувда ҳаракатлантирсам, уларга бу унчалик қийин бўлмайди.

Шундай қилиб мен иккита катта бургутни ушламоқчи бўлдим. Бу жуда қийин эди, бироқ вақт ҳам етарли эди. Кейин арқоним билан уларнинг тўртта оёғини боғладим. Сўнгра ўша арқонни ўзимга ҳам боғладим ва сувга сакрадим.

Менинг режам ажойиб эди: бургутлар мени шохлар орасидан пастга, олиб тушишарди ва тез орада сувга қуладик. Энди қушлар сувни ўз қанотлари билан ура бошлашди. Мен қўл ва оёқларимни сувда ҳаракатлантириб уларга ёрдам берардим. Улар дарёнинг нариги томонига боришарди. Тез орада қуруқ ерга чиқиб олдик".

"Бургутларни нима қилдинг? — сўрадим мен Зебдан. — Сен уларни қўйиб юбордингми?"

"Албатта йўқ, — деб жавоб берди Зеб. — Мен уларни инглиз кишига сотиб юбордим ва эвазига яхшигина пулга эга бўлдим".

*Инглизчадан Орзу АЪЗАМОВА таржимаси*

Mashhurlar hayotidan

## София РОТАРУ: "АЛВИДО, МЕНИНГ МУҲАББАТИМ!"

### Маъшуқасини топган ошиқ

Узоқ муддатли никоҳ артистлар ҳаётида кўп ҳам қайд қилинавермайди. Чунки бу касб эгалари ҳиссиётга берилувчан, қизиққон, қайсар, баъзан хиёнаткор, эри ёки хотини ёқмай қолса, бошқаси билан тақдирини туташтирадиган, лекин буни сира ҳам айб ҳисобламайдиган кишилардир.

Машҳур қўшиқчи София Ротару ва унинг турмуш ўртоғи Анатолий Евдокименко ўртасидаги никоҳ эса 34 йиллик тарихга эга. Бу қадар бир-бири билан узоқ яшаган жуфтлик орасига фақат ўлимгина раҳна солди.

Узумчилик бригадирининг оиласида туғилган кичкина Софияни Новоселье туманида ҳеч ким санъат юлдузи бўлиб кетади, деб ўйламаганди. Қизалоқ сигир соғар, бозорда ошкўклар сотар, ҳосилни йиғиб-териб олишда ота-онасига кўмаклашар, гапнинг лўндаси, қўлоёғи чаққонликда тенги йўқ эди. Катта опаси Зина тиф билан оғриб, тўшакка михлангач, София унинг гарданидаги вазифаларни ҳам уддалай бошлаган.

Республика бадиий ижодкорлик танловида иштирок этган София Ротарунинг сурати "Украина" журнали муқовасида босилганида кимларни мафтун этмади, дейсиз. Ўқитувчи ва қурувчининг фарзанди, аскар йигит Толя Евдокименко ҳам Софияга ошиқу беқарор бўлиб қолди. Қизнинг сурати хизмат тугагунга қадар Толянинг бисотида сақланиб юраверди. Хизматдан сўнг ошиқ йигит Черновцага келди, мусиқа билим юртининг ётоқхонаси қаерда жойлашганини сўраб-суриштириб, ниҳоят нотаниш гўзални топди. Аммо София Ротару деган бу ойимча Толяга қайрилиб ҳам қарамас, унинг илтифотлари, ялиниб-ёлворишларини мазах билан қабул қиларди. Роппа-роса Софиянинг кетидан икки йил соядек эргашиб юрган Толяга ниҳоят кунларнинг бирида омад кулиб боқди. Қизи тушмагур унинг муҳаббати чинми, ўткинчими, деб роса қармоқни узун ташлаб юргани маълум бўлди.

1968 йилнинг 22 сентябри София ва Толянинг ҳаётидаги унутилмас санадир. Уч кеча-кундуз давом этган шоду хуррамликда молдаванча ва украинча қўшиқлар ижро этилганди. Улардан кўра бахтли инсон ҳам, уларчалик бир-бирига мос жуфтлик ҳам гўёки дунёда йўқ эди. Орадан кўп йиллар ўтиб, София Ротару журналистларга берган интервьюсида шундай деганди: "Менинг ҳаётимдаги ягона ва ҳақиқий муҳаббат — бу эрим Толик. Мен усиз қўл-оёғи ҳам, овози ҳам йўқ одамман. Маслаҳатгўйим, ёрдамчим, дўстим, ҳаттоки костюмларим, оғир ашқол-дашқолларимни кўтариб юрадиган беминнат ҳожатбарорим. Энг муҳими, у менинг барча концертларимнинг режиссёри ва постановкачиси. Толя — менга тақдирнинг совғаси".

Хўш, Толянинг ўзи София ҳақида қандай фикр билдиради: "Софиянинг характери тўйимизга қадар жиддий эди, мен эса ҳар бир концертга ресторанга борган каби тайёрланишини талаб қилардим. У бутун рўзғорни ўзи тебратади, лекин буни сира ҳам юзимга солмайди. Мучал бўйича у арслон, ҳаётда эса йўлбарсга ўхшайди. София билан баҳслашиш бефойда, лекин биз жуда кам баҳслашамиз".

### Зарба

Тўйдан сўнг София Ротару уч йилга қадар саҳнага чиқа олмади. Оилада эр-хотинни бир-бирига боғловчи ришта — фарзанд туғилди: исми Руслан. Лекин эр-хотин ҳамиша режалаштириб қўйган ишларни амалга оширишга ошиқишарди. София Черновца филармонияси қошида "Червона рута" ансамблини ташкил этишга муваффақ бўлди. Толя эса продюссер, бадиий раҳбар. 1976 йилда Ротару шифокорлар маслаҳатига кўра, эндигина бошланаётган астманинг олдини олиш учун Ялтага келди.

1984 йилда София илк бахтсизликка дуч келди: у саҳнада ўзини йўқотиб, хушидан кетди ва бирор лаҳзадан сўнг томошабинларга савол берди: "Мен қаердаман?". Ўшанда мухлислар уни эс-ҳушидан айрилди, деб тахмин қилишганди. Бунга эса Софиянинг олти йил меҳнат таътилига чиқмасдан ишлагани, кинолардаги суратга тушишлар, доимий гастроллар, 137 марта тўхтовсиз концерт уюштиришлари сабаб бўлганди.

Буниси-ку ҳолва, энг ташвишли ҳолат 1997 йилда эрига қўйилган хавфли ташхис бўлди: мия раки. София ўзининг соғлиги ҳақида ўйламай ҳам қўйди. Шуниси етмай турувди. Германияга гастролга кетаётган София Михайловна эрини ўша ёқдаги етук мутахассисларга текширтиришга қарор қилди. Немис шифокорлари ҳам шу ташхисни тасдиқлашгач, София Ротару тақдирга тан берди. 2001 йилдаги учинчи инсультдан сўнг Анатолий тилдан ҳам қолди. София эрининг олдидан бир қадам ҳам жилмас, концертдан тушган пулларни энг қиммат ва ноёб дориларга сарфлар эди. Ўша кезларда туғилган невaралари уларнинг ягона қувончи, далдалари бўлди.

### "Сен фақат ухладинг..."

Ҳа, Анатолийнинг умри қисқа экан. Тўртинчи инсультдан сўнг у ўнгланмади. Тобора орқага кетиб бораётган эрининг олдида ўтирар экан, София Ротару у билан ўтказган масъуд, шодон лаҳзаларни ёдга оларди. Мўъжиза рўй бериб, тасодифан Анатолий кўзларини очди. София қувониб кетиб, врачларни чақиришга кетди. Афсуски, у палатага қайтиб кирганида Анатолий Кирилловичнинг юраги уришдан тўхтаган, буни кутиб-кутмаган маъшуқасини зор йиғлатиб, доғда қолдирган эди.

Дафн маросимида София Ротарунинг қаттиқ изтиробга тушгани юз-кўзида зоҳир бўлиб, суянчиғидан айрилган машҳур аёлнинг лаблари шивирларди: "Алвидо, менинг муҳаббатим! Мен биламанки, сен шунчаки ухладинг, албатта, менга қайтиб келасан".

Ўлим — бешафқат. У инсонларнинг илтижосини заррача ҳам инобатга олмайди. Ўзининг юрагини, вужудини, қолаверса, ҳаётини қўшиққа айлантириб, бундан шон-шуҳрат чўққисига чиққан София Ротару ҳам ўлим қаршисида ожизу нотавон бир кимса эди. Эрининг ўлимидан сўнг у энди саҳнага чиқадими-йўқми, билиш қийин. Шуниси аниққи, бу жудолик эстрада юлдузининг нафақат ҳаётини, балки энг қимматбаҳо бойлиги — овозини ҳам ўзгартириб юборганлиги аниқ...

*"Аргументы и факты" газетасидан Ҳ.ТЎЙМАНОВА таржимаси*

Xullas...

### "МЕДВЕДЬ" ҚИШЛОҒИДА АЙИҚПОЛВОН

Емельянов тумани ҳудудидаги "Медведь" қишлоғида кутилмаган "меҳмон" пайдо бўлди. У йиртқичларнинг йирик вакили — айиқполвон эканлигидан қишлоқ аҳолисининг тинчи йўқолди. Ахир тайганинг гегемонига ким ҳам бас кела оларди?

"Бисмилло"да айиқполвон ҳеч қандай эгаси бўлмаган кулбага кирдида, турли номаъқулчиликларни қилди. Кейин тап тортмай қўшни уйга кирди. Шунда буви билан невaранинг ўтакаси ёрилаёзди. Бақириқ-чақириқ ўз навбатида, ўрмон вакилини ҳам чўчитиб юборди ва у тумтарақай қочди. Галдаги "ҳужум" бошқа ҳовлида давом эттирилди. Уй соҳиби ҳаммомга кириб кетган экан. Айиқполвонга эса "мазза" бўлди: бутун идиш-товоқлардан асар ҳам қолмади, захирага олиб қўйилган озиқ-овқатлар "теп-текис" қилинди.

Аммо маймоқни кейинги ҳовлида "меҳмондорчилик" эмас, балки рақиби— милтиқли киши кутарди. Алқисса, жонажон тайгасини тарк этиб, "Медведь" қишлоғига ташриф буюрган айиқполвон битта ўқ билан нариги дунёга равона бўлди.

Одамзотнинг ақли-ку юқори, аммо унинг бемеҳрлиги-чи?

### НОДИР КАРТИНА

Молдовалик рассом Николай Дмитриенко яратган навбатдаги картина "Куз келди" деб номланади. Шу қадар митти ва кўзга зўрға чалинадиган бу асарни фақат микроскоп орқалигина кўриш мумкин.

Хўш, ўша картинада қандай манзара тасвирланган экан? Оддийгина куз манзараси: япроқлари напармон тусга кирган дарахт ва ёмғир ёғишидан далолат берувчи осмон.

Рассом халқи одатда ўз асарини махсус рамкаларда акс эттиради. Николай Дмитриенконинг бу мини асарига, табиийки, рамка катталик қиларди.

Ўз мухлисларини одатдан ташқари асари билан қойил қолдирмоқчи бўлган мўйқалам соҳиби бу гал ўша анъанани бузди, яъни рамкани ўйиб, табиат манзарасини унинг ичига жойлаштирди. Албатта, рамканинг ичида рамка ҳосил қилиш ҳам осон кечгани йўқ.

"Бу — менинг нодир асарим. Ҳаттоки катта-катта картиналаримни ҳам шу даражада қийналиб яратганим йўқ" деб изоҳлайди ўз ижод намунасини рассом.

Дарвоқе, ушбу асар ўз муаллифининг роппа-роса икки ойлик вақтини "ўғирлади".

### УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАСИДАН ҲИМОЯ

Радиоактив нурланиш берувчи воситалар дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. Бундан ташвишланган Америкадаги фирмалардан бири мобил телефонининг инсон саломатлигига таъсир этувчи зарарини йўқотишга қарор қилди.

Бунинг учун улар жинси шимнинг чўнтагига радиоактив нурланишни қайтарадиган астарлик ўрнатиш кераклиги ҳақидаги таклифни билдиришди. Фирма ходимлари илгари сурган бу таклиф мобил телефонидан фойдаланувчиларнинг барчасига маъқул тушди, деб хабар беради "Нью Йорк таймс" газетаси.

ana shunaqa gaplar

**ТВ-4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг 11-дарс саволлари:**

***Questions for episode 13***

1.Describe the best gift you have ever received. What made you it so special?

2.What can you count on happening in your home when a new baby arrives?

3.Has the size of the average family in Uzbekistan changed in your generation?

Why do you think it has or has not changed?

***Questions for episode 14***

1.How do you usually get to know a new friend?

2.Had you ever seen a TV serial in the English Language before Family Album. USA began?

3.Where do you play your favorite game? How many people can play with you?

***Questions for episode 15***

1.Explain a situation in which it was uncomfortable for you to face the truth?

2.Why is begin a good sport difficult when you fail?

3.What would you suggest doing on a rainy day?

***Questions for episode 16***

1.Describe your feelings when meeting an old friend by surprise?

2.Have you ever had the honor of arranging a family celebration? What was the occasion?

3.When would you think it appropriate to sleep over at someone's home after being a guest .

***Questions for episode 17***

1.How do you get a group of people to work on a project together effectively?

2.What kind of intertainment would you show a foreign visitor as a representation of your country's art and culture? Please explain your choice?

3.If a friend asks your advice about marrying before or after graduating from the university, what would you suggest he do?

**Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навоий кўчаси 69, ТВ-4, "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки uztv-4@uzpak,uz электрон почтаси.**

## "АВАЗХОН" КРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Гуручнинг йирик сув кўтарадиган нави. 2. Нидо, овоз. 3. Хат ташувчи қуш. 4. Кўршапалак. 5. Кечирим. 6. Хонаки, қўлда ясалган. 7. Шапалоқ. 8. Электр энергия берувчи иншоот. 9. Жисмларнинг ерга тортилиш кучи. 16. Шаршара. 17. Буржлардан бири. 18. Ўзбекистондаги энг йирик саноат шаҳарларидан бири. 22. Кўплик қўшимчаси. 23. Фойдали ҳашорат. 25. Кўрсатиш олмоши. 26. Хонлик унвонларидан бири. 28. Африкадаги берк кўл. 29. Атомлар гуруҳи. 30. Шаҳрисабздаги ҳашаматли, гўзал ва бетакрор обида. 31. Тригонометрик функция. 32. Тортишув. 33. Ҳаво босимини ўлчайдиган металл барометр. 34. Оҳангдор. 35. Гўрўғлининг сафдоши. 42. Ўзбек шоири. 43. Ўзбек бадиий каштачилигида қўлланиладиган безак. 44. Қўшни давлатдаги шифобахш сувлари билан даволайдиган маскан. 48. Чуқурлик. 49. Мусиқий йўналиш. 51. Бокс қироли. 52. ... каллада бир хаёл (мақол). 54. Рамазон киришидан олдинги кун. 55. Авом. 56. Ер юзини велосипедда айланишга чиққан ўзбек сайёҳи. 57. Реформа. 58. Шам қуйишда ишлатиладиган кумушсимон оқ қаттиқ мой. 59. Европадаги миллат. 60. Водийлик машҳур қизиқчи. 61. Умумий дам олиш куни.

**ЭНИГА**: 1. Ўқув қўлланмаси. 4. Кўл тегирмони. 7. Офарин. 10. ... ёшда эмас, бошда (мақол). 11. "Сиз ...ми?" ("Ўткан кунлар"). 12. Лаҳза. 13. Жайҳун. 14. "Сен етим эмассан" фильмининг режиссёри. 15. Вақт бирлиги. 19. Ҳасса. 20. Космик кемадаги қопқоқли туйнук. 21. Худо сақласин. 24. Билим, малака. 27. Ичиладиган нарсалар. 30. Химия фани бўлими. 32. Жанг олиб бориш санъати. 34. Одиллик билан. 36. Икки нуқта орасидаги масофа. 37. Қуръони каримда номлари зикр этилган пайғамбарлардан бири. 38. Куйдаги энг юқори нуқта. 39. Ип ингичка еридан ... (мақол). 40. Яҳудий. 41. Авторусум. 45. Қўл жанги турларидан бири. 46. Ой. 47. Чангалзор қироли. 50. Тож-тахт меросхўри. 53. Самарқанд вилоятидаги қадимий шаҳар. 56. Ясама. 58. Каби. 60. Тинч океанининг марказий ва ғарбий қисмларидаги ороллар тўдаси. 62. Хом ... эмган банда. 63. Қат. 64. Ички ишлар вазирлиги. 65. Даволаш. 66. МДҲ давлатларидан бирининг пойтахти. 67. Буви. 71. Лалмига тескари экин. 72. Шекспир асарининг машҳур қаҳрамонларидан бири. 73. Ватанимиздаги энг ихчам ва кўркам минора. 74. Зарядсиз заррача. 75. Ширинлик.

**ҲАРФЛАРДА, СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:** А. Истисно. Б. Туркистон. В. Гап тамом. Г. Қамарий йил тақвимидаги ой. Д. Ҳаёли, иболи. Е. Ағанаб тушмоқ. Ё. Қирғизистон халқ ёзувчиси. Ж. Ярим кеча, тунги маҳал. З. Ташкилот.

*Тузувчи: Абдумалик УСАНОВ Сурхондарё вилояти*

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-127.

Тиражи 33034 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,

Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциянерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00